

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

БЮЛЛЕТЕНЬ

БЮЛЛЕТЕНЬ

Высшая аттестационная комиссия при Кабинете Министров
Республики Узбекистан

BULLETIN

Supreme attestation commission at the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan

ISSN 2181-5763

2017 / 1

www.oak.uz info@oak.uz



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 31 мартдаги ПФ-371-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ОАК)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги ва 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Бюллетени» нашр этилади.

**«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Бюллетени»
тахрир ҳайъати**

- | | |
|----------------|---|
| А.Юсупов | – Ўзбекистон Республикаси ОАК раиси, бош муҳаррир |
| Ш.Аюпов | – Математика институти директори,
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Ғ.Муҳамедов | – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
ректору, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| У.Иноятов | – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири,
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Б.Бегалов | – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
раиси, Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| И.Абдурахмонов | – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-прези-
денти, Геномика ва биоинформатика маркази директори,
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Ғ.Абдуллаев | – Нефть ва газ конлари қидируви институти директори,
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| Б.Даминов | – Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори,
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати аъзоси |
| А.Расулев | – Ўзбекистон Республикаси ОАК Математика ва механика
фанлари бўйича эксперт кенгаши раиси |
| К.Каримов | – Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи илмий кенгаш раиси |
| С.Зулунов | – Ўзбекистон Республикаси ОАК аппарати Мониторинг
бўлими бошлиғи |
| Э.Бозоров | – Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетени масъул котиби |

МУНДАРИЖА

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари	4
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарорлари	8
Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кенгашларининг қарорлари асосида рўйхатдан ўтказилган фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) диссертациялари мавзулари тўғрисида маълумот	28
диссертация тадқиқотларини олиб бораётган изланувчилар фан доктори (DSc) диссертацияси мавзулари	28
диссертация тадқиқотларини олиб бораётган изланувчилар фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзулари	119
Фан доктори (DSc) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар	266
Фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар	274
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар рўйхати	285
Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар рўйхати	300

Рўйхатдан ўтказилган докторлик диссертацияси мавзулари

Фан тармоғи	
Физика-математика фанлари.....	28, 119
Кимё фанлари.....	35, 125
Биология фанлари.....	38, 129
Геология-минералогия фанлари	42, 137
Техника фанлари.....	44, 138
Қишлоқ хўжалиги фанлари.....	54, 159
Тарих фанлари.....	59, 169
Иқтисодиёт фанлари.....	66, 180
Фалсафа фанлари.....	72, 191
Филология фанлари.....	74, 197
География фанлари.....	80, 211
Юридик фанлар.....	82, 213
Педагогика фанлари.....	86, 216
Тиббиёт фанлари.....	89, 232
Фармацевтика фанлари.....	111, 255
Ветеринария фанлари.....	112, 256
Санъатшунослик фанлари	113, 258
Архитектура	114, 259
Психология фанлари	115, 259
Социология фанлари	116, 262
Сиёсий фанлар	117, 263

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим ва илм-фан соҳасини, жумладан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсдаги мақсадли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин»¹. Илм-фан соҳасини жаҳон талаблари даражасида ривожлантиришни таъминлашда ёшларнинг ўрни бениҳоя катта. Шу жиҳатдан ҳам мамлакатимизда ёшлар давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга жудда катта эътибор қаратилмоқда.

«Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда. «Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди».²

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони тарихий аҳамият касб этиб, унга мувофиқ давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизликни, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритиш каби йўналишларда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси барча соҳалар қаторида илм-фан соҳасида ҳам жаҳонда рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда илмий изланишларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Мазкур Фармон олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ижроси юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари, олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестациясига оид муҳим қоидалар тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони ижроси юзасидан мақсадли чора-тадбирлар, жумладан қуйидагилар амалга оширилди: мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг ижроси бўйича амалга оширилган тадбирлар натижалари бўйича жойларда учрашувлар ўтказилиб (февраль-март ва июль-август), олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид еттиюздан ортиқ саволга тушунтириш берилди (учрашувлар давом этмоқда); учрашувларда илмий жамоатчилик, айниқса, ёшлар томонидан мазкур Фармон қўллаб-қувватланиб, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини кенг намоён этишдаги катта аҳамияти эътироф этилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид низомлар ўрнатилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида — 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувидаги нутқи, «Халқ сўзи», 2016 йил 31 декабрь.

² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи, «Халқ сўзи», 2017 йил 1 июль.

тартибда тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда халқаро илғор амалиётдан фойдаланиш, самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш, диссертация сифатини ошириш, ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотиш, малакавий имтиҳонлар таркибини оптималлаштириш ва баҳолаш тизимида илғор амалиётни жорий қилиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган янгиликлар, жумладан қуйидагилар билан тавсифланади.



Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомда аттестация жараёнида иштирок этадиган шахслар ва тузилмалар масъулиятини ошириш, кўчирмачилик (плагиат) ҳолатининг олдини олиш, экспертиза жараёнини оптималлаштириш каби масалалар муҳим аҳамият касб этди. Бу борада қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: изланувчи, диссертация бажарилган муассаса, Илмий семинар ва Илмий кенгаш масъулиятини ошириш ҳамда коррупция

ҳолатининг олдини олиш мақсадида Илмий семинар ва Илмий кенгаш фаолиятини ташкил қилишга қуйидагилар киритилди: Илмий семинар хулосаси “диссертация ҳимояга тавсия этилсин” ёки “диссертацияни қайта ишлаш тавсия этилсин” тарзида берилади. ... Агар Илмий семинар муайян диссертация бўйича “диссертацияни қайта ишлаш тавсия этилсин” хулосасини қабул қилса, Илмий кенгаш расмий хат билан иш бажарилган муассасага диссертацияни қайтаради. Илмий семинарда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг диссертация бажарилган муассаса томонидан камида 3 ойдан кейин диссертация дастлабки экспертизадан ўтказилади ва натижалари бўйича ижобий хулоса берилган тақдирда изланувчи томонидан Илмий кенгашга тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

ОАК меъёрий-техник экспертиза жараёнида диссертация ва авторефератда кўчирмачилик (плагиат) ҳолатини аниқлашнинг электрон экспертизасини ташкил қилади. Ушбуда кўчирмачилик (плагиат) бўйича ҳар қандай ҳол (ҳоллар) аниқланган тақдирда, ҳужжатлар Илмий кенгашга қайтарилади ва диссертация муҳокамадан олиб ташланади.

Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомда аттестация жараёнида диссертациялар ва нашр ишларига қўйиладиган талабларни аниқ белгилаш, диссертациялар сифатини ошириш, илмий даражалар беришда халқаро илғор амалиётдан фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертациялари ва нашр ишларига қўйиладиган талаблар аниқ белгилаб берилди; фармацевтика фанлари бўйича диссертация ҳимоя қилиш – фармацевтика соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши қоидаси киритилди; самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш ва халқаро тажрибани эътиборга олган ҳолда истисно тариқасида тадқиқотлар амалга оширилган муассаса хулосаси ва Илмий кенгаш тақдимномаси асосида қуйидагиларга диссертация ҳимоясиз илмий даража бериш мумкинлиги юзасидан қоида киритилди: а) салмоқли илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва рўйхат бўйича халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 12 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 8 та) илмий мақола чоп эттирган мутахассисга эксперимент тариқасида фан доктори (DSc) илмий даражаси (илмий натижани амалиётга жорий қилиш бўйича талаблар бажарилган ҳолда); б) муҳим илмий янгиликлар олган ва импакт-фактори тегишли даражада юқори ва рўйхат бўйича халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 6 та (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 4 та) илмий мақола чоп эттирган мутахассисга эксперимент тариқасида фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси берилади.

Шунингдек, самарали ва натижадор илмий фаолиятни рағбатлантириш учун муҳим илмий янгиликлар олган ва катта аҳамиятга эга бўлган учтагача ихтиро патенти муаллифига фалсафа доктори (PhD) ва учтадан ортиқ ихтиро патенти муаллифига фан доктори (DSc) илмий даражасини диссертация ҳимоясиз бериш қоидаси илк бор киритилди.

Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомда республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил қилиш юзасидан амалга ошириладиган ўзгаришлар эътиборга олинган.

Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда имтиҳонлар таркибини оптималлаштириш, баҳолаш тизимида халқаро ва миллий илғор амалиётни жорий қилиш, малакавий имтиҳонларни топширишда мавзунинг эълон қилинишига боғлиқлиги чекловини бекор қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: республика олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги

таълим тизимида амалга оширилаётган сифат ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда малакавий имтиҳонлар таркиби оптималлаштирилиб, 3 та малакавий имтиҳон ўрнига 2 (67%) та (ихтисослик ва чет тили) имтиҳон топширилиши белгиланди. Шунингдек, барча қўшимча малакавий имтиҳонлар бекор қилинди. Аттестация жараёни тажрибаси ҳамда хорижий тилларни ўрганиш халқаро ва



миллий тизими амалиётини эътиборга олган ҳолда IELTS (ўртача балли камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган) ҳамда B2 даражадан паст бўлмаган CEFR, Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplôme approfondi de langue française) ва Давлат тест марказининг малакавий сертификатига эга бўлган изланувчиларни мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати давомида чет тили бўйича малакавий имтиҳонни топширишдан озод этилиши бўйича янги қоида киритилди; малакавий имтиҳонларни топшириш учун изланувчиларнинг диссертация мавзулари ОАКда рўйхатдан ўтказилган бўлиши ҳамда веб-сайт ва «ОАК Бюллетени»да эълон қилиниши кераклиги талаби бекор қилинди.

Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий этиш бўйича мавжуд тажриба ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий қилиниши муносабати билан натижаларни жорий қилиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу борада қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: диссертациянинг илмий натижасини амалиётга жорий этиш қуйидагилар билан тўлдирилди: интеллектуал мулк объектига мутлақ ҳуқуқнинг эътироф этилиши – ихтирога ва селекция ютуғига патент ҳамда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун фойдали моделга патент, саноат намунасига патент; илмий натижанинг нуфузли, шу жумладан республика илмий семинари ёки фан тармоғи ривожланган хорижий мамлакатларнинг импакт-фактори 0,5 дан юқори бўлган ва халқаро тизимга кирган илмий журналларда камида 3 та ҳавола берилган; таълим жараёнига татбиқ этилган ДТС, фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун ўқув қўлланма; Давлат реестрига киритилган натижа; инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида имзоланган шартномалар; инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси натижасига кўра (фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун) қуйидаги фахрий номинациялар: “Энг яхши инновацион ишланма”, “Саноат йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Ахборот технологиялари йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Фан ва таълим йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Ёш олимларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси”, шунингдек фан тармоғи (ихтисослик) хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқа шакллар.

Диссертация ва авторефератни расмийлаштиришда мазкур ҳужжатларнинг аннотация қисми олий ўқув юртидан кейинги таълим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди, шунингдек расмийлаштиришнинг меъёрий-техник талаблари аниқ белгилаб берилди. Масалан, фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳажми 60 варақдан ва фан доктори (DSc) диссертациясининг ҳажми 100 варақдан ошмаслиги кераклиги белгиланди (матн варақнинг иккала томонига ёзилади).

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатида ҳам ўзгаришлар амалга оширилиб, жумладан рўйхатга сиёсий фанлар тармоғи киритилди. Олий аттестация комиссиясига бир гуруҳ ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси олимлари ёзма ва оғзаки мурожаатлар қилиб, жамиятимиз ҳаётидаги сифат ўзгаришлари ва илғор жаҳон тажрибасини эътиборга олган ҳолда сиёсий фанлар тармоғини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига киритишни таклиф қилганлар. Ушбу масала тегишли эксперт кенгаши ва ОАК Раёсатида муҳокама қилиниб, уни асосли кўриб чиқиш мақсадида ОАК Раёсатининг қарори билан ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳига тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда сиёсий фанлар соҳасида жаҳон тажрибаси, фаннинг мазмун-моҳияти ва сиёсий муносабатларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишдаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилаётган фан тармоғини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига киритиш бўйича билдирилган таклифлар юзасидан асосли хулоса ишлаб чиқиш юклатилди. Мазкур масала юзасидан асосли хулоса тайёрлаш учун етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ҳам мурожаат қилинди. Олий аттестация комиссиясининг Ишчи гуруҳи томонидан мазкур масала чуқур ўрганилиб, унда етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг хулосалари ҳамда соҳа олимларининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда ишчи гуруҳининг ижобий хулосаси асосланди. Ишчи гуруҳи томонидан сиёсий фанлар тармоғини олий малакали илмий ва илмий-педагог кадр-

лар ихтисосликлари рўйхатига киритиш мақсадга мувофиқлигининг объектив зарурати, жумладан қуйидагилар билан изоҳланган: *биринчидан*, амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси ва глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида фанлараро тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, илм-фанни жаҳон илғор амалиёти тенденцияларига мувофиқ тараққий эттириш



ҳамда жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеликлар ва ўзгаришларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ишларини янада чуқурлаштиришга бўлган эҳтиёж; *иккинчидан*, жамият тараққиётида мавжуд сиёсий фаолият, сиёсий таълим ва илмий тадқиқотларнинг фанлараро эволюцион ривожланиш тенденциясининг мавжудлиги. Тарихан сиёсий таълим ва илмий изланишлар илк бор Шарқ ва Ғарбнинг тараққий этган мамлакатларида юзага келиб, ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда фундаментал аҳамият касб этган асарлар, жумладан Соҳибқирон Амир

Темурнинг “Темур тузуклари” яратилди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳонда сиёсий фанлар кенг миқёсда ривожланиб, 1949 йилда ЮНЕСКО иштирокида Сиёсий фанлар халқаро ассоциацияси ташкил қилинди. Ҳозирда жаҳонда, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларда мазкур фан йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда; *учинчидан*, мамлакатимизда сиёсий фанларни ривожлантиришда илмий салоҳиятнинг мавжудлиги. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий фанлар йўналишида олий таълим муассасалари томонидан кўп сонли юқори малакали мутахассислар тайёрланган ҳамда бугунги кунда кўплаб фан докторлари ва фан номзодлари юртимиз тараққиёти йўлида фаолият кўрсатиб келмоқдалар; *тўртинчидан*, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёж. Бу борадаги ўзгаришлар сиёсий фанлар йўналишида иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этиш, мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, инновацион ривожланишга муносиб ҳисса қўшиш ҳамда жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларига доир чуқур илмий таҳлил бериш ва шу асосида самарали илмий натижалар олишга ҳисса қўшади; *бешинчидан*, сиёсий фанларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари ва унда белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини илмий асослашга, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида қабул қилинаётган қонунлар, ҳукумат фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлашда давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва масъулиятини оширишга, халқ билан мулоқот олиб боришнинг самарали механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб боришга, бу борада илғор жаҳон тажрибасини ўрганишга муҳим асос бўлиб хизмат қилади. ОАК Раёсатининг 2017 йил 24 апрелдаги 238/2-сон қарори билан Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига 23.00.00 рақам билан “Сиёсий фанлар” тармоғи киритилди.

Амалда бўлган 40 та илмий кенгаш сони 74 (173%) тага етказилди. Шунингдек, илмий кенгашлар таркиби юқори малакали мутахассислар ҳисобидан мустаҳкамланди. Фанлар академиясининг 55 нафар академиги ва Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг 21 нафар академиги ва мухбир аъзоси илмий кенгашлар таркибига киритилди. 9 нафар академик илмий кенгаш раиси сифатида тасдиқланди. Амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ ҳолда 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб 90 та, жумладан 55 та фалсафа доктори (PhD) ва 35 та фан доктори (DSc) диссертацияси ҳимояси амалга оширилиб, улар тегишли илмий даражаларда тасдиқланди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси соҳасида бошланган ислохотларни мантиқий якунига етказиш юзасидан тизимли тадбирлар, жумладан аттестация сифатини ошириш, диссертацияларнинг илмий ва амалий аҳамиятини янада юксалтириш, мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ОАК фаолиятини янада такомиллаштириш ва аттестация жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш бўйича белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш давом эттирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 241/1

2017 йил 29 август

Фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 35 нафар талабгор **фан доктори (DSc)** илмий даражасида тасдиқлансин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ихтисослик шифри	ИК рақами, муассаса номи	Илмий даража берилган фан тармоғи номи	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи
1	Джумабаев Давлатбай Халиллаевич	01.01.01	DSc.27.06.2017.FM/Т.34.01, Физика-техника институти, Ион- плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети (бир марталик илмий кенгаш)	Физика- математика фанлари	Математика ва механика фанлари
2	Султонов Боходир Элбекович	02.00.13	DSc.27.06.2017.К/Т.35.01, Умумий ва ноорганик кимё институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
3	Жураев Асрор Бахтиёр ўғли	02.00.14	DSc.27.06.2017.Т.04.01, Тошкент кимё-технология институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
4	Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич	03.00.01, 03.00.10	DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01, Биоорганик кимё институти,	Биология фанлари	Биология фанлари
5	Хўжамшукуров Нортожи Абдихолиқович	03.00.04	DSc.27.06.2017.В.38.01, Микробиология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
6	Бобоев Сайфулла Ғафурович	03.00.09	DSc.27.06.2017.В.39.01, Ботаника ва зоология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
7	Курбанбаев Илхам Джуманазарович	03.00.09	DSc.27.06.2017.В.39.01, Ботаника ва зоология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
8	Джуманов Жамолжон Худайкулович	05.01.07	DSc.27.06.2017.Т.07.01, Тошкент ахборот технологиялари университети	Техника фанлари	Ахборот- коммуникация технология- лари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари

9	Тилабов Баходир Қурбанович	05.02.01	DSc.27.06.2017.FM/T.03.04, Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети	Техника фанлари	Техника фанлари
10	Юнусов Салоҳиддин Зунунович	05.02.03	DSc.27.06.2017.FM/T.03.04, Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети (бир марталик илмий кенгаш)	Техника фанлари	Ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
11	Маматқосимов Мирзасултон Абдураимович	05.05.06	DSc.27.06.2017.FM/T.34.01, Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети	Техника фанлари	Физика фанлари
12	Раззаков Собиржон Жураевич	05.09.01	DSc.27.06.2017.T.11.01, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти	Техника фанлари	Техника фанлари
13	Элмуродов Абдуғани Актамович	06.01.08	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
14	Саломов Шавкат Турабович	06.01.01	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
15	Раҳманқулов Мурод Саид-Ақбарович	06.01.05	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
16	Эгамбердиева Саида Абдисаматовна	06.01.05	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
17	Абдуллаев Илёс Султанович	08.00.06	DSc.27.06.2017.I.15.01, Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
18	Пулатов Дилшод Ҳақбердиевич	08.00.07	DSc.27.06.2017.I.16.01, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
19	Қўзиёв Ислонжон Неъматович	08.00.08	DSc.27.06.2017.I.16.01, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси,	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
20	Абдуллаева Насиба Бўроновна	09.00.02	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
21	Мусаев Одил Раҳматович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университети	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
22	Жуманазарова Гулжаҳон Умурзоқовна	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.19.01, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	Филология фанлари	Филология фанлари

23	Абдуазимов Оқилжон Уткурович	10.00.09	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университети (бир марталик илмий кенгаш)	Социология фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
24	Тожиева Зулхумор Назаровна	11.00.02	DSc.27.06.2017.G.01.06, Ўзбекистон Миллий университети	География фанлари	Геология- минералогия ва география фанлари
25	Асилова Гулшан Асадовна	13.00.02	DSc.27.06.2017.Ped.26.01, Тошкент давлат педагогика университети	Педагогика фанлари	Педагогика ва психология фанлари
26	Узбекова Нелли Рафиковна	14.00.05	DSc.27.06.2017.Tib.30.02, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
27	Ахмедов Халмурод Садуллаевич	14.00.05	DSc.27.06.2017.Tib.30.02, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
28	Худайкулова Гульнора Каримовна	14.00.10	DSc.27.06.2017.Tib.30.02, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
29	Касымова Гульмира Гафуровна	14.00.16	DSc.27.06.2017.Tib.30.03, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
30	Ашуров Зарифжон Шарифович	14.00.18	DSc.27.06.2017.Tib.31.01, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
31	Тиялков Акбар Буриевич	14.00.22	DSc.27.06.2017.Tib.49.01, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
32	Хужаназаров Илхом Эшкулович	14.00.22	DSc.27.06.2017.Tib.49.01, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
33	Ризаев Камал Саидакбарович	14.00.27	DSc.27.06.2017.Tib.49.01, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
34	Суюнов Низом Давулович	15.00.01	DSc.27.06.2017.Far.32.01, Тошкент фармацевтика институти	Фармацевтика фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
35	Хамдамов Хабибуло Аблокулович	16.00.03	DSc.27.06.2017.V.12.02, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	Ветеринария фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 241/1

2017 йил 29 август

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 49 нафар талабгор **фалсафа доктори (PhD)** илмий даражасида тасдиқлансин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ихтисослик шифри	ИК рақами, муассаса номи	Илмий даража берилган фан тармоғи номи	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи
1	Ҳақимов Рустамжон Махмудович	01.01.01	DSc.27.06.2017.FM.01.01, Ўзбекистон Миллий университети, Математика институту	Физика- математика фанлари	Математика ва механика фанлари
2	Болтаев Зафар Ихтиёрвич	01.02.04	DSc.27.06.2017.FM/Т.03.04, Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети	Физика- математика фанлари	Математика ва механика фанлари
3	Эркабоев Улугбек Иноятиллаевич	01.04.10	DSc.27.06.2017.FM/Т.34.01, Физика-техника институту, Ион- плазма ва лазер технологиялари институту, Самарқанд давлат университети	Физика- математика фанлари	Физика фанлари
4	Яркулов Ахрор Юлдашевич	02.00.04	DSc.27.06.2017.К.01.03, Ўзбекистон Миллий университети	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
5	Ҳазратқулова Севара Мушиновна	02.00.06	DSc.27.06.2017.FM/К/Т.03.01, Полимерлар кимёси ва физикаси институту	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
6	Эшқурбонов Фурқат Бозорович	02.00.14	DSc.27.06.2017.Т.04.01, Тошкент кимё-технология институту (бир марталик илмий кенгаш)	Кимё фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
7	Шернаев Анвар Нормаатович	02.00.07, 05.02.01	DSc.27.06.2017.К/Т.03.01, Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
8	Турдиалиев Умид Мухтаралиевич	02.00.13	DSc.27.06.2017.К/Т.35.01, Умумий ва ноорганик кимё институту	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
9	Бердиева Малика Ибодуллоевна	02.00.14	DSc.27.06.2017.Т.04.01, Тошкент кимё-технология институту	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари

10	Абдуллаева Садокат Шоназаровна	02.00.16	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти (бир марталик илмий кенгаш)	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
11	Тургинов Орзимат Турдиматович	03.00.05	DSc.27.06.2017.B.39.01, Ботаника ва зоология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
12	Позиллов Маъмуржон Комилжонович	03.00.08	DSc.27.06.2017.B.38.01, Микробиология институти	Биология фанлари	Биология фанлари
13	Темербекова Барнохон Маратовна	05.03.01	DSc.27.06.2017.T.03.02, Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Ахборот- коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
14	Атауллаев Азизжон Одилович	05.01.06	DSc.27.06.2017.T.03.02, Тошкент давлат техника университети	Техника фанлари	Ахборот- коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
15	Мухамедиева Дилдора Кабилловна	05.01.07	DSc.27.06.2017.T.07.01, Тошкент ахборот технологиялари университети	Техника фанлари	Ахборот- коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
16	Шарипов Далер Кучкарлович	05.01.07	DSc.27.06.2017.T.07.01, Тошкент ахборот технологиялари университети	Техника фанлари	Ахборот- коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
17	Тоғаев Анвар Абдусаломович	05.08.06	DSc.27.06.2017.T.09.01, Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети	Техника фанлари	Техника фанлари
18	Бекмирзаев Диёрбек Абдугаппорович	05.09.02	DSc.27.06.2017.T.09.01, Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети	Техника фанлари	Техника фанлари
19	Карабаев Икрамжан Тураевичнинг	06.01.01	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
20	Авлиякулов Мирзоолим Авазович	06.01.02	DSc.27.06.2017.Qx.42.01, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
21	Кўзиёв Жаҳонгир Мадаминович	06.01.04	DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари

22	Хонкулов Хусниддин Холиқулович	06.01.08	PhD.27.06.2017.Qx.12.01, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари
23	Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрвич	07.00.01	DSc.27.06.2017.Tar.01.04, Ўзбекистон Миллий университетини, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи- методик марказ, Тарих институтини, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институтини	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
24	Сағдиев Ҳабибулло Ёдгорович	07.00.05	DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14/01, Тошкент ислом университетини	Тарих фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
25	Муминова Наргиза Махсуджоновна	08.00.11	DSc.27.06.2017.I.15.01, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
26	Мадалиев Абдулла Ахмедович	08.00.13, 08.00.10	DSc.27.06.2017.I.16.01, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини (бир марталик илмий кенгаш)	Иқтисодиёт фанлари	Иқтисодиёт фанлари
27	Бахранов Лазизжон Эркинович	09.00.02	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университетини	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
28	Мавлонов Журабек Ёрқул ўғли	09.00.04	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университетини	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
29	Ташанов Абдуҳолиқ Дайнович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F.01.05, Ўзбекистон Миллий университетини	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
30	Яздонов Улуғбек Тошмуротович	09.00.04	DSc.27.06.2017.F.02.02, Самарқанд давлат университетини	Фалсафа фанлари	Фалсафа, тарих, социология фанлари ва сиёсий фанлар
31	Анданиязова Дилрабо Рўзиқуловна	10.00.01	DSc.27.06.2017.Fil.19.01, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини	Филология фанлари	Филология фанлари
32	Асадов Мақсуд Ҳусенович	10.00.02	DSc.27.06.2017.Fil.46.01, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорини институтини	Филология фанлари	Филология фанлари
33	Рўзиева Моҳичеҳра Ёқубовна	10.00.08	DSc.27.06.2017.Fil.46.01, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорини институтини	Филология фанлари	Филология фанлари
34	Кадирбекова Дурдона Ҳикматуллаевна	10.00.06	DSc.27.06.2017.Fil.21.01, Тошкент давлат шарқшунослик институтини, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини, Ўзбекистон Миллий университетини	Филология фанлари	Филология фанлари
35	Имамова Ҳолида Камаловна	10.00.05	DSc.27.06.2017.Fil.21.01, Тошкент давлат шарқшунослик институтини, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини, Ўзбекистон Миллий университетини	Филология фанлари	Филология фанлари

36	Юлдашев Акмал Гуламжанович	10.00.06	DSc.27.06.2017.Fil.21.01, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети	Филология фанлари	Филология фанлари
37	Мустафаева Самида Тошмухаммедовна	10.00.05	DSc.27.06.2017.Fil.21.01, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети	Филология фанлари	Филология фанлари
38	Қурбонов Шухрат Бекметович	11.00.02	DSc.27.06.2017.G.01.06, Ўзбекистон Миллий университети	География фанлари	Геология- минералогия ва география фанлари
39	Ахмедова Насиба Кобилжоновна	13.00.01	DSc.27.06.2017.Ped.26.01, Тошкент давлат педагогика университети	Педагогика фанлари	Педагогика ва психология фанлари
40	Арипджанова Альфия Равильевна	13.00.01	DSc.27.06.2017.Ped.26.01, Тошкент давлат педагогика университети	Педагогика фанлари	Педагогика ва психология фанлари
41	Сабирова Гулноза Садиковна	13.00.02	DSc.27.06.2017.Ped.27.01, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Педагогика фанлари	Педагогика ва психология фанлари
42	Тажибаев Сойиб Самижонович	13.00.04	DSc.27.06.2017.Ped.28.01, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти	Педагогика фанлари	Педагогика ва психология фанлари
43	Шоймардонов Туймурод Турдиалиевич	13.00.06	DSc.27.06.2017.Ped.26.01, Тошкент давлат педагогика университети	Педагогика фанлари	Педагогика ва психология фанлари
44	Усманова Захро Абдувалиевна	14.00.06	DSc.27.06.2017.Tib.31.01, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (бир марталик илмий кенгаш)	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
45	Ходжаева Нозима Хайруллаевна	14.00.19	DSc.27.06.2017.Tib.49.01, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академияси	Тиббиёт фанлари	Тиббиёт фанлари
46	Арипов Шухрат Тулкинович	15.00.01	DSc.27.06.2017.Far.32.01, Тошкент фармацевтика институти	Фармацевтика фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
47	Маноев Саид Бахронович	18.00.02	DSc.27.06.2017.A.11.02, Тошкент архитектура-қурилиш институти	Архитектура	Санъатшунослик ва архитектура
48	Ҳасанов Азамат Озадович	18.00.02	DSc.27.06.2017.A.11.02, Тошкент архитектура-қурилиш институти	Архитектура	Санъатшунослик ва архитектура
49	Абдурахимов Қодиржон Абдуҳалилович	19.00.01	DSc.27.06.2017.Psi.01.07, Ўзбекистон Миллий университети	Психология фанлари	Педагогика ва психология фанлари
50	Маматова Дилрабо Алишеровна	05.02.03	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари

51	Джураев Абдужалил Маннапович	05.06.01	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари
52	Азизов Шухрат Маматович	05.06.02	DSc.27.06.2017.T.08.01, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Техника фанлари	Техника фанлари
53	Вафаев Ойбек Шукурлаевич	02.00.14	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
54	Балтабаев Улуғбек Нарбаевич	02.00.17	DSc.27.06.2017.T.04.01, Тошкент кимё-технология институти	Техника фанлари	Кимё ва фармацевтика фанлари
55	Марданов Хусниддин Холбазарович	06.01.05	DSc.27.06.2017.Qx.13.01, Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги фанлари	Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 241/1

2017 йил 29 август

Профессор илмий унвонида тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ОАК тегишли низомлари асосида

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тегишли эксперт кенгашлари тавсияси асосида қуйидаги 12 нафар талабгор **профессор** илмий унвонида тасдиқлансин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ихтисослик шифри	Иш жойи	Ўзбекистон Республикаси ОАК эксперт кенгаши номи
1	Багдасарова Элмира Сергеевна	03.00.08	Тошкент фармацевтика институту	Биология фанлари
2	Усманов Рустам Махмудович	03.00.07	Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институту	Биология фанлари
3	Акрамов Бахшилло Шафиевич	04.00.13	Тошкент давлат техника университети	Геология-минералогия ва география фанлари
4	Камалов Наджимитдин Зайнутдинович	05.01.08	“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ	Ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
5	Бахадиров Гайрат Атаханович	05.02.03	ТДТУ қошидаги Тармоқ машинашунослиги муаммолари илмий-тадқиқот маркази	Техника фанлари
6	Алимходжаев Камалиддин Тиллаходжаевич	05.05.02	Тошкент давлат техника университети	Ахборот-коммуникация технологиялари, бошқарув, алоқа ва энергетика фанлари
7	Ахмедходжаева Ифода Ахмаджановна	05.09.07	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институту	Техника фанлари
8	Зокирова Нодира Каландаровна	08.00.10	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳри филиали	Иқтисодиёт фанлари
9	Боротов Миродилжон Хомуджонович	12.00.03	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари	Юридик фанлар

10	Шарипов Шавкат Сапарович	13.00.05	Тошкент давлат педагогика университети	Педагогика ва психология фанлари
11	Хайдаров Восилжон Расулович	15.00.01	Тошкент фармацевтика институти	Кимё ва фармацевтика фанлари
12	Убайдуллаев Қудратилла Асадуллаевич	15.00.02	Тошкент фармацевтика институти	Кимё ва фармацевтика фанлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№ 236/4.1

2017 йил 29 март

“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»-нинг 7-бандига ҳамда ЎЗР ОАК тегишли фанлар бўйича эксперт кенгашлари тавсияларига асосан

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

1. Иқтисодиёт фанлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

08.00.07–“Молия. Бухгалтерия ҳисоби” ихтисослиги молия ва бухгалтерия ҳисоби йўналишларининг тадқиқот предметлари, тадқиқот усуллари ўзаро бир-бирдан фарқ қилишини эътиборга олган ҳолда иккитага ажратилиб, қуйидаги шифрлар ва номлардаги таҳрирда ўзгартирилсин:

08.00.07–“Молия, пул муомаласи ва кредит” ва 08.00.08–“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит”.

08.00.08–“Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти” шифри 08.00.15–“Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти”га ўзгартирилсин.

“Электрон тижорат тўғрисида”ги ва “Электрон ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонунларда белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш ва мамлақтимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви, тегишли технологияларни нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам амалиётга жорий этиш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича устувор вазифаларни илмий-таҳлилий асосда амалга ошириш мақсадида 08.00.14–“Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари” ихтисослиги рўйхатга киритилсин.

2. Филология фанлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги ўз тадқиқот объекти ва предметига эгаллиги, турли хил фан соҳаларини ўз ичига қамраб олиб, ўзбек тилшунослигининг тил тарихи, фонология, лексикология, ономастика, ҳозирги ўзбек тили, морфология, синтаксис ва линвопозетика сингари соҳаларини ҳамда адабиётшуносликнинг ўзбек мумтоз адабиёти, XX аср адабиёти, адабий жараён, истиқлол даври адабиёти каби йўналишлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 10.00.01–“Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти” ихтисослиги иккитага ажратилиб, қуйидаги шифрлар ва номлардаги таҳрирда ўзгартирилсин:

10.00.01–“Ўзбек тили” ва 10.00.02–“Ўзбек адабиёти”.

10.00.02–“Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси” шифри 10.00.11–“Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси”га ўзгартирилсин.

3. ЎЗР ОАК эксперт кенгашлари бир ой муддатда етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда нуфузли мутахассисларни жалб қилган ҳолда мазкур рўйхатга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида ихтисосликлар паспортларининг ҳамда малакавий имтиҳонлар дастурларининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишни таъминласинлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**

РАЁСАТ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри

№236/4.2

2017 йил 29 март

**Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар
ихтисосликлари рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Жаҳон тараққиётида ислом динининг бениҳоя катта аҳамияти ҳамда ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга мустақиллик йилларида мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда диншуносликка оид амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада, айниқса, ислом тарихи ва манбашунослигига оид тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этиб, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикҳ, ислом илоҳиёти (калом, ақида), тасаввуф ва ислом тарихи каби йўналишларга оид тадқиқотлар муҳим ўрин тутаяди. Бундай зарурат, жумладан қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, юртимиз ҳудудидаги йирик маданий марказлар, уларнинг илмий муҳити, маҳаллий мутафаккирларнинг илмий фаолияти, маънавий мероси, илмий манбалар ва уларнинг яратилиш қонуниятлари, классификацияси, тавсиф ва фикҳистлари ҳамда Марказий Осиёдаги ислом тарихи ва манбашунослигининг ўзига хос хусусиятларига оид тадқиқотларни чуқурлаштириш;

иккинчидан, юртимиз ва хорижий давлатларнинг кўплаб кутубхоналари ва қўлёзмалар фондларида сақланаётган буюк алломаларимизнинг илмий меросига оид ҳамда ислом дунёси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган минглаб нодир қўлёзма манбаларни тўплаш ва уларни келажак авлодга етказиш;

учинчидан, бевосита ислом манбалари асосида яратилган, аждодларимизнинг қимматбаҳо илмий асарларида келтирилган дурдона фикр ва ғоялар юзасидан чуқур махсус илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни кенг халқ оmmasига етказиш;

тўртинчидан, юртимиз алломалари томонидан минг йиллар давомида яратилган бебаҳо меросга таянган ҳолда жамиятда маърифий, маънавий ва диний тарбияни илмий асосда янада кучайтириш, ёшларимиз онгида иймон ва динга бўлган муносабатни шакллантириш;

бешинчидан, бугунги кунда ислом дини ниқоби остида фаолият юритаётган турли террорчилик ва экстремистик ташкилотлар хатти-ҳаракатларининг олдини олиш юзасидан бевосита ислом манбалари асосида мақсадли илмий тадқиқотлар олиб бориш ва улар асосида ўзига хос маънавий-руҳий муҳит мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом»нинг 7-бандига асосан

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсати қарор қилади:

1. Тарих фанлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги 07.00.04–“Диншунослик. Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисослиги “Диншунослик” ва “Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисосликларига ажратилсин.

2. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатидаги Тарих фанлари тармоғига киритилган ўзгартириш муносабати билан тарих фанлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликларининг қуйидаги янги рўйхати тасдиқлансин:

Ихтисослик шифри	Ихтисослик номи	Илмий даража бериладиган фан тармоғи
07.00.01	Ўзбекистон тарихи	Тарих фанлари
07.00.02	Фан ва технологиялар тарихи	Тарих фанлари
07.00.03	Жаҳон тарихи	Тарих фанлари
07.00.04	Диншунослик	Тарих фанлари, Фалсафа фанлари, Филология фанлари
07.00.05	Ислом тарихи ва манбашунослиги	Тарих фанлари
07.00.06	Археология	Тарих фанлари
07.00.07	Этнография, этнология ва антропология	Тарих фанлари
07.00.08	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари	Тарих фанлари
07.00.09	Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи	Тарих фанлари
07.00.10	Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи	Тарих фанлари, Юридик фанлар
07.00.11	Миллий хавфсизлик муаммолари	Тарих фанлари, Юридик фанлар, Иқтисодиёт фанлари

3. Фалсафа, тарих ва социология фанлари бўйича эксперт кенгаши бир ой муддатда етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда тегишли ихтисосликлар паспортларининг ҳамда малакавий имтиҳонлар дастурларининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишни таъминласин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ****РАЁСАТ ҚАРОРИ****Тошкент шаҳри****№238/2****2017 йил 24 апрель****Сиёсий фанлар тармоғини олий малакали илмий ва илмий-педагог
кадрлар ихтисосликлари рўйхатига киритиш ҳақида**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, миллий давлатчилигимизни шакллантириш ва замонавий талаблар асосида тараққий эттириш, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражаси сифатини кўтариш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Самарқанд давлат университети, DSc.27.06.2017.Psi.02.07.



**Филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) диссертациялари
ҳимояси тўғрисида эълонлар**

АНДАНИЯЗОВА ДИЛРАБО РЎЗИҚУЛОВНА. «Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси», 10.00.01–Ўзбек тили (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Fil1.

Илмий раҳбар: Маъмуров Низомиддин Мамадалиевич, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, DSc.27.06.2017.Fil.19.01.

АСАДОВ МАҚСУД ҲУСЕНОВИЧ. «Ўзбек мумтоз шеърятда риндона маъно ва лирик қаҳрамон характери», 10.00.02–Ўзбек адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Fil3.

Илмий раҳбар: Ҳаққулов Иброҳим Чориевич, филология фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи: Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, DSc.27.06.2017.Fil.46.01.

ИМАМОВА ХОЛИДА КАМАЛОВНА. «Турк тилида ҳурмат категорияси», 10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Fil7.

Илмий маслаҳатчи: Содиқов Қосимжон Позилович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат шарқшунослик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, DSc 27.06.2017. Fil.21.01.

МУСТАФАЕВА САМИДА ТОШМУХАММЕДОВНА. «Хитой тилшунослик терминологияси», 10.00.05–Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017. 1. PhD/Fil.8.

Илмий маслаҳатчи: Содиқов Қосимжон Позилович, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат шарқшунослик институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, 14.07.2016. Fil.09.01.

КАДИРБЕКАВА ДУРДОНА ХИКМАТУЛЛАЕВНА. «Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари», 10.00.06–Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Fil9.

Илмий раҳбар: Боқиева Гуландом Ҳисомовна, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, DSc 27.06.2017. Fil.21.01.

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ. «Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)», 10.00.06–Қиёсий-адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Fil10.

Илмий раҳбар: Тешабаева Дилфуза Муминовна, филология фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети, DSc.27.06.2017. Fil.21.01.

РЎЗИЕВА МОҲИЧЕҲРА ЁҚУБОВНА. «Ўзбек халқ қўшиқларида ранг символикаси», 10.00.08–Фольклоршунослик (филология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Fil10.

Илмий раҳбар: Жўраев Маматқул, филология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Бухоро давлат университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, DSc 27.06.2017.Fil.46.01.



География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

ҚУРБОНОВ ШУХРАТ БЕКМЕТОВИЧ. «Ўзбекистон қишлоқ туманлари ривожланишининг иқтисодий географик хусусиятлари», 11.00.02–Иқтисодий ва ижтимоий география (география фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/G1.

Илмий раҳбар: [Солиев Абдусами Солиевич], география фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, DSc.27.06.2017.G.01.06.



Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

АРИПДЖАНОВА АЛЬФИЯ РАВИЛЬЕВНА. «Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш», 13.00.01–Педагогика назарияси ва та-

рихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/Ped1.

Илмий раҳбар: Бегимқулов Узоқбой Шоимқулович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент давлат педагогика университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат педагогика университети, DSc.27.06.2017.Ped.26.01.

АХМЕДОВА НАСИБА КОБИЛЖОНОВНА. «Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш», 13.00.01–Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/Ped2.

Илмий раҳбар: Турғунов Собитхон Тошпўлатович, педагогика фанлари доктори, доцент.

Диссертация бажарилган муассасалар номи: Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат педагогика университети, DSc.27.06.2017.Ped.26.01.

САБИРОВА ГУЛНОЗА САДИКОВНА. «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси», 13.00.02–Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/Ped4.

Илмий раҳбар: Ахмедова Лайлохон Толибжоновна, педагогика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассасалар номи, ИК рақами: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, DSc.27.06.2017.Ped.27.01.

ТАЖИБАЕВ СОЙИБ САМИЖОНОВИЧ. «Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси», 13.00.04–Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/Ped6.

Илмий раҳбар: Халмухамедов Рустам Деканович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, DSc.27.06.2017.Ped.28.01.

ШОЙМАРДОНОВ ТУЙМУРОД ТУРДИАЛИЕВИЧ. «Педагог кадрлар малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими», 13.00.06–Электрон таълим назарияси ва методикаси (педагогика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.PhD/Ped5.

Илмий раҳбар: Бегимкулов Узокбой Шоимкулович, педагогика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Бош илмий-методик марказ.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент давлат педагогика университети, DSc.27.06.2017.Ped.26.01.



Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

АЛИЕВА ТОХИРАХОН АВАЗХОНОВНА. «Сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда нейрогуморал бузилишлар ва бета-адренорецепторлар гени полиморфизмининг клиник-прогностик хусусиятлари», 14.00.06–Кардиология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Tib3.

Илмий раҳбар: Камилова Умида Кабировна, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент тиббиёт академияси.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, DSc.27.06.2017.Tib.31.01.

ХОДЖАЕВА НОЗИМА ХАЙРУЛЛАЕВНА. «Биологик объектларга нейтрон-эгаллаб олиш терапияси таъсирини ўрганиш», 14.00.19–Клиник радиология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Tib1.

Илмий раҳбар: Наврузов Саримбек Наврузович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси, DSc.27.06.2017.Tib.49.01.

УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА. «Каротид атеросклерози динамикасини баҳолашда нотурғун атеросклеротик пилачка маркерлари», 14.00.25–Клиник-лаборатор ва функционал диагностика, 14.00.06–Кардиология (тиббиёт фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Tib2.

Илмий раҳбар: Арипов Абдумалик Нигматович, тиббиёт фанлари доктори, профессор; Розиходжаева Гульнора Ахмедовна, тиббиёт фанлари доктори.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, DSc.27.06.2017.Tib.31.01.



Фармацевтика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

АРИПОВ ШУХРАТ ТУЛКИНОВИЧ. «Иккинчи тип қандли диабет касаллигида қўлланиладиган дори воситаларидан оқилонга фойдаланишга фармакоиктисодий ёндашув», 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш

(фармацевтика фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: B2017.1.PhD/Far1.

Илмий раҳбар: Зайнутдинов Хикматулла Суннатович, фармацевтика фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент фармацевтика институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами: Тошкент фармацевтика институти, DSc.27.06.2017.Far.32.01.



Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

МАНОВЕВ САИД БАХРОНОВИЧ. «Ўзбекистон жамоат бинolari меъморчилигида ансамбль ва комплексларнинг шаклланиши», 18.00.02–Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси (архитектура).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/A1.

Илмий раҳбар: Аҳмедов Муҳаммад Қосимович, архитектура доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент архитектура-қурилиш институти, DSc.27.06.2017.A.11.02.

ҲАСАНОВ АЗАМАТ ОЗАДОВИЧ. «Ўзбек миллий автомагистралида йўл бўйи сервис мажмуаларини меъморий шакллантириш», 18.00.02–Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси (архитектура).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/A2.

Илмий раҳбар: Аҳмедов Муҳаммад Қосимович, архитектура доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Тошкент архитектура-қурилиш институти.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент архитектура-қурилиш институти, DSc.27.06.2017.A.11.02.



Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояси тўғрисида эълонлар

АБДУРАҲИМОВ ҚОДИРЖОН АБДУҲАЛИЛОВИЧ. «Интеллектуал фаолиятга онгсизлик компонентлари таъсири», 19.00.01–Умумий психология, шахс психологияси ва психология тарихи (психология фанлари).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/Psi1.

Илмий раҳбар: Шоумаров Ғайрат Бахрамович, психология фанлари доктори, профессор.

Диссертация бажарилган муассаса номи: Ўзбекистон Миллий университети.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Ўзбекистон Миллий университети, DSc.27.06.2017.Psi.02.07.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан 2017 йил (август)да фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар РЎЙХАТИ



ДЖУМАБАЕВ ДАВЛАТБАЙ ХАЛИЛЛАЕВИЧ

Физика-математика фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Функцияларни аналитик давом эттириш ва сингуляр чегарали соҳаларда махсус интегралларнинг тадқиқи» (01.01.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлакли-силлиқ чегарали ва чегараси коник қирраларни ўз ичига олувчи чегараланган соҳаларда Бохнер-Мартинелли типидagi интеграл чегаравий хусусияти билан боғлиқ масалалар ечилган;

шундай соҳаларда Бохнер-Мартинелли типидagi интеграл сакраши ҳақидаги теоремалар исботланган;

Хенкин-Рамирез такрорий интегралнинг ўрин алмашиши ҳақидаги теоремалари исботланган;

чегараси коник қирраларни ўз ичига олувчи чегараланган соҳаларда функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремалар ҳамда Гартогс-Бохнернинг голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремасининг аналоглари исботланган;

Айзенберг-Кытмановнинг теоремаларини кучайтирувчи коник қирраларни ўз ичига олувчи чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли интеграллари орқали ифодаланувчи функциялар голоморфлиги ҳақидаги теоремалар исботланган;

катъий псевдоқавариқ соҳаларда Хенкин-Рамирез махсус интеграл оператори учун ўрин алмаштириш формуласи ва композиция формуласи ҳосил қилинган;

чегараланган ва коник қирраларни ўз ичига олувчи чегарали соҳаларда Привалов теоремаси аналоглари ва Соходский-Племел формуласи топилган;

сингуляр чегарали соҳаларда Бохнер-Мартинелли махсус интеграл операторидан ҳосил бўлган операторлар алгебраси тадқиқ қилинган ҳамда унинг конормал симболи топилган.

ШЕРИМБЕТОВ САНЖАР ГУЛМИРЗОЕВИЧ

Биология фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларидаги ўсимликларнинг молекуляр-биологик ва экологик хусусиятлари» (03.00.01, 03.00.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жанубий Оролқум ҳудудида 220 юксак ўсимлик турлари (шундан 130 тури илк бор) ўсиши аниқланган ва мазкур ҳудуд ўсимликлари Эрон-Турон флораси замирида пайдо бўлганлиги исботланган;

ўсимлик турларининг таркибидан 38 та, тупроқ таркибидан 37 та кимёвий элементларнинг миқдори, рений элементи ўсимлик таркибида аниқланган ҳамда ҳудудда тарқалган ўсимлик органлари таркибидаги эркин аминокислоталар миқдори аниқланган, фенилаланин ва пролиннинг ўсимликларнинг стресс омилларга мослашишидаги роли исботланган;

Орол денгизининг қуриган тубида тарқалган ўсимликларнинг оқсил-пептид компонентлари ажратилган ва уларнинг инсон организми учун патоген ҳисобланган бактерияларга қарши антибиотик потенциалга эга эканлиги исботланган;

илк бор *Atriplex pratovii* ўсимлиги *rbcl* генининг 488, 537 ва 811 жуфт нуклеотиддан, *matK* генининг 283, 403 ва 804 жуфт нуклеотиддан, *psbB-psbH* регионининг 577 жуфт нуклеотиддан иборат кетма-кетлиги аниқланган ва секвенс натижалари EMBL-EBI маълумотлар базасига киритилган;

илк бор *Atriplex pratovii* ўсимлигининг *Atriplex* туркуми бошқа турларидан фарқ қилиши молекуляр-генетик жиҳатдан исботланган ва *Atriplex pratovii* ўсимлигининг *rbcl*, *matK* генлари бўйича турлараро ва туркумлараро молекуляр филогенияси ишлаб чиқилган;

ўсимлик турлари экологик гуруҳларга ажратилган ва уларнинг биоиндикация хусусиятлари асосланган.



ХЎЖАМШУКУРОВ НОРТОЖИ АБДИХОЛИҚОВИЧ

Биология фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «*Bacillus thuringiensis* бактерияси асосида инсектицид биопрепарат ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш» (03.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба турли ҳудудлар кесимида маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактериясининг тарқалиш динамикаси асосланган;

маҳаллий *Bacillus thuringiensis* бактериясининг ажратилган штаммлари морфологик, культурал, физиологик ва биокимёвий жиҳатларига кўра классификация-

ланган;

маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси штамларининг кўсак қурти (*Heliothis armigera* Hb.), кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den.et Schiff.), колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say.), ғўза шираси (*Aphis gossypii* Glov.) ва ўргимчаккана (*Tetranychus urticde* Koch.) каби зараркунанда ҳашаротларга қарши инсектицид ва *Fusarium oxysporum* замбуруғига қарши антифунгал фаолликлари аниқланган;

танлаб олинган штаммларнинг ўсиб, ривожланиши ва зарурий фаоллигини намоён қилиши учун мўътадил озуқа муҳитининг таркиби танланган ва ўсиб, ривожланиш шароитлари аниқланган;

илк бор, маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида, янги, инсектицид биопрепарат ишлаб чиқаришнинг тажриба-технологик регламенти яратилган;

маҳаллий *Bacillus thuringiensis* энтомопатоген бактерияси асосида «Antibac-Uz» биопрепарати олишнинг технологияси ишлаб чиқилган;

«Antibac-Uz» биопрепаратининг кўсак қурти (*Heliothis armigera*), кузги тунлам (*Agrotis segetum*), колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata*), ғўза шираси (*Aphis gossypii*), ўргимчаккана (*Tetranychus urticde*) каби зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик самарадорлиги исботланган;

«Antibac-Uz» биопрепарати ғўза агробиоценозидаги олтинкўз (*Chrysoperla carnea* Steph.) ва хонқизи (*Coccinella semperpunctata*L.) каби фойдали ҳашаротларга салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланган.

БОБОЕВ САЙФУЛЛА ҒАФУРОВИЧ

Биология фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Мураккаб турлараро дурагайлаш орқали ғўзанинг кўп геномли янги дурагайларини яратиш ва хусусиятларини очиб бериш» (03.00.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба мураккаб тузилишга эга {{{G. thurberi Tod. x G. raimondii Ulbr.} x G. arboreum L.} x G.hirsutum L.} амфидиплоидларига G.hirsutum L. ва G.barbadense L. турларининг маданий навларини дурагайлаш асосида 4 ва 5 та ғўза турлари иштирокидаги янги турлараро мураккаб дурагайлари яратилган;

оналик шаклида иштирок этган {{{G. thurberi Tod. x G. raimondii Ulbr.} x G. arboreum L.} x G.hirsutum L.} амфидиплоиди иштирокида олинган турлараро мураккаб дурагай ўсимликларда (F8 гача) асосий қимматли-хўжалик белгиларнинг шаклланиши ва ўзгарувчанлиги аниқланган;

яратилган янги турлараро мураккаб ва беккросс дурагайларда айрим қимматли хўжалик белгилар орасидаги ўзаро коррелятив боғлиқликлар аниқланган;

турлараро мураккаб ғўза дурагайларининг хўжалик белгиларида намоён бўладиган айрим салбий коррелятив боғлиқликларни бартараф этиш йўли билан тезпишар, маҳсулдор, тола чиқими ва сифати ҳамда 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг юқори мажмуасига эга рекомбинантлар ва оилалар ажратиб олиш имконияти асосланган;

ғўзани кўп геномли ТМДларининг белги хусусиятларини ижобий трансгрессив ўзгарувчанликка эришишида ҳамда генетик жиҳатдан бойитилган қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни яратишда беккросс чатиштиришнинг аҳамияти исботланган;

ғўзанинг кўп геномли тизмаларидан хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори мажмуасига эга бўлган СП-1303, СП-«Камолот», С-1306 ва С-7277 янги навлари яратилган.





КУРБАНБАЕВ ИЛХАМ ДЖУМАНАЗАРОВИЧ

Биология фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Вўза ва буғдойнинг қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқ оқсил ва изоферментлари ҳамда уларни филогенетик таҳлилларда қўлланилиши» (03.00.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзанинг муайян тур ва навларини электрофоретик паспортлаштириш имконини берувчи уч турдаги оқсилларнинг (сувда, буферда ва қийин эрувчи) эталон спектри тузилган;

ўза оқсил маркерларининг айрим қимматли-хўжалик белгилари билан боғлиқ ҳолда ирсийланиши аниқланган;

ўзанинг оқсил маркерлари бўйича яқинлик даражалари битта турга мансуб гуруҳларда, ҳар хил турларга мансуб геном гуруҳи вакилларига нисбатан юқорилиги аниқланган;

G.raimondii тури оқсил таркиби бўйича А1 ва А2 геном гуруҳи вакилларига яқинлиги исботланган;

буғдой навларида турли популяцияларнинг тарқалиш частотаси турличалиги ва ушбу кўрсаткич популяция ичидаги биотипларнинг маълум агроқлим шароитларига мосланувчанлигига боғлиқ ҳолда етиштириш йиллари бўйича ўзгариши аниқланган;

буғдой навларида клейковина миқдори турлича экани ҳамда ушбу белгига агроқлим ва агротехник шароитларнинг таъсир қилиши аниқланган;

юмшоқ буғдойнинг янги истиқболли «Паҳлавон» нави яратилган.

ДЖУМАНОВ ЖАМОЛЖОН ХУДАЙҚУЛОВИЧ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Минтақавий гидрогеологик тизимларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлаш» (05.01.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб гидрогеологик шароитларда геофилтрация ва геомиграция жараёнларини ўрганиш назарияси тамойилларига асосланган минтақавий миқёсдаги гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш концепцияси ишлаб чиқилган ва гидрогеологик жараёнларни математик моделлашнинг ахборот-коммуникация

технологиялари билан интеграциялаш усуллари яратилган;

турли миқёсдаги геофилтрация моделларини бирлаштириш имконини берувчи ягона ахборот технологик тизим доирасида замонавий геоахборот тизимлари асосида минтақавий характерли гидрогеологик объектларни геофилтрация жараёнларни математик моделлашнинг сонли усуллари такомиллаштирилган;

ер ости суви шаклланиши тамойилларидан фойдаланиб, турли миқёсдаги моделларни биргаликда қўллаш ва муфассал қамраб олишга асосланган минтақавий гидрогеологик объектларнинг геофилтрация жараёнларни геоахборот-математик моделлаштиришга мослашувчан тизими ишлаб чиқилган;

гидрогеологик маълумотларни автоматлаштирилган ўлчов тизимида қайд қилиш, йиғиш ва узатиш, геоахборот-математик моделлаштириш жараёнида бошланғич маълумот сифатида, шунингдек ер ости гидросфераси мониторинги юритиш мақсадида дастурий таъминот, технологиялар ва аппарат-қурилма воситалари ишлаб чиқилган;

келгусида ягона автоматлаштирилган мажмуига интеграцияланувчи минтақавий гидрогеологик объектлар геоахборот-математик моделининг харитографик маълумотлар базасини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

кенг миқёсдаги ҳудудларни мураккаб гидрогеологик шароитларида туз ҳаракатининг ер ости ва ер усти суви билан ўзаро биргаликдаги оқимлари жараёнини математик моделлаш тизими билан геоахборот тизимлар интеграциясини ташкил қилиш тамойиллари ва мезонлари ишлаб чиқилган.



ТИЛАБОВ БАХОДИР ҚУРБАНОВИЧ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бйилишга бардошли қопламалар ва деталларни тайёрлаш учун модели газга айланувчи қуймакорлик усули бўйича юқори хромланган қотишмаларни легирлаш ва термик ишлов бериш» (05.02.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

термик ишловни ўтказишда талаб этиладиган структура ва хоссалар ҳосил бўлишини таъминловчи С+Si+Mn+Cr+Ni элементлар йиғиндиси бўйича юқори

хромли оқ чўяннинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

олтингугурт юқори хромли қотишмаларнинг ейилиш бардошлигини камайтирилиши аниқланган;

моделли газга айланувчи усул билан деталлар ишчи юза сиртига қаттиқ қотишма қопланганда структура ҳосил бўлиш механизми ишлаб чиқилган;

яқунловчи термик ишлов бериш жараёнида фаза қайта кристалланганда юқорихромли оқ чўянлар ва қотишмалар металл асоси юпқа структурали параметрларининг фазаси ирсият қилиб олиниши аниқланган;

қотишма совигандан сўнг унинг металл асосида дислокацияларнинг ўта юқори зичликка эга тузилишини шакллантирадиган, юқори хромли қотишмалар қиздириладиган экстремал ҳароратнинг кўрсаткичлари ва такрорий фаза қайта кристалланишда дислокациялар маълумотида ирсият ҳодисалари ишлаб чиқилган;

икки марта фаза қайта кристалланишда юпқа структурани насл қилиб олиш самарасидан фойдаланиш, қотишма ейилишга бардошлигининг 33–35% га ошиши ва у импорт қотишманикига қараганда юқорироқ бўлиши ҳамда ейилишга бардошли қопламларда 80–82% га ошиши аниқланган.

ЮНУСОВ САЛОХИДДИН ЗУНУНОВИЧ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Аррали жинларнинг самарали ишчи органлари ва механизмлари конструкцияларини ишлаб чиқиш ҳамда параметрларини ҳисоблашнинг илмий асосларини такомиллаштириш» (05.02.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аррали жиннинг ишчи органларини самарали ва ресурстежамкор конструкциялари ишлаб чиқилган;

аррали цилиндр ва электрюритгич ротори ҳаракат қонунлари аналитик усулда аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

қайишқоқ таянчли колосник тебраниш қонуниятини аналитик усулда аниқланган, асосий параметрлари ишлаб чиқилган;

пахтадан келаётган тасодифий қаршилиқ, ночизиқли бирликка эга бўлган таянчли инobatга олиш усули ишлаб чиқилган;

аррали жин ишчи камерасидаги чигитли пахта ва ишчи орган орасидаги ишқаланишни камайтириш усули ишлаб чиқилган.

СУЛТОНОВ БОХОДИР ЭЛБЕКОВИЧ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларини юқори самарадор ва тежамкор усулда кимёвий бойитиш технологияси» (02.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи мартаба юқори карбонатли МҚ фосфоритларини нитрат кислотаси билан бойитиш, ҳосил бўлган кальций нитратни НКФСни филтрлаш орқали ажратиш ва нам фосфорит концентратини айланма $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси ва сув билан ювиш мумкинлиги кўрсатилган ҳамда фосфорит концентрати таркибини

нитрат кислота меъёри ва концентрациясига, фосфоритни 10% ли кальций нитрат эритмаси, сувга оғирлик нисбати ва ювиш қарралигига ўзаро боғлиқлиги аниқланган ва турли навли Қизилқум фосфоритларини бойитишни мақбул шароитлари топилган;

минераллашган массани хлорид кислотали бойитишдаги кўпикланиш жараёнларига хлорид кислота меъёри, концентрацияси ва айлантиргич тезлигини таъсири тўғрисида янги илмий маълумотлар олиниб, юқори P_2O_5 ва кичик кальцийли модулга эга бўлган фосфорит концентратлари олиш жараёнларининг мақбул шароитлари топилган;

ўғитли преципитат таркибини HCl ни меъёри, концентрацияси, чўктирувчи $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни меъёри ва фосфорит: H_2O нинг оғирлик нисбатларига ўзаро боғлиқ муносабатлари аниқланган;

бойитилган фосфоритларни аммоний тузлари билан фаоллаштириш асосида мураккаб-аралаш ўғитлар олишни самарадор технологияси ишлаб чиқилган.



ЖУРАЕВ АСРОР БАХТИЁР ЎҒЛИ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Иккиламчи полиэтилентерефталат алкоғолиз маҳсулотлари асосида янги полимерларни яратиш» (02.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алкоғолиз маҳсулотларининг таркиби, структураси, функционалиги ва молекуляр массаси иккиламчи полиэтилентерефталат: гликоль моляр нисбати билан белгиланиши ўрганилиб, иккиламчи полиэтилентерефталатнинг гликолла билан алкоғолизлаш жараёни аниқланган;

турли факторларнинг (алкоғолизлашнинг ҳарорати, давомийлиги, мономерлар нисбати) якуний маҳсулот хоссаларига таъсирини аниқлаш натижасида иккиламчи полиэтилентерефталатнинг диэтиленгликол билан алкоғолиз жараёнининг реакцион муҳитда қуйи ва юқори молекуляр массали маҳсулотларнинг мавжудлиги холи учун математик модел яратилган;

турли функционалли алкоғолиз маҳсулотлари асосида бир қатор тўйинмаган полиэфир олинган ва улар ҳисобига тўйинмаган полиэфирлар структурасида ароматик гуруҳларнинг ортириб, уларнинг механик хусусиятлари ошгани исботланган;

малеин ангидридининг аввалига алкоғолиз маҳсулоти таркибидаги бўш дигликолла билан, сўнгра гидроксил сақловчи полиэфирполиоллар билан таъсирланиши аниқланганидан келиб чиққан ҳолда тўйинмаган полиэфирлар ҳосил бўлишининг жараёни ишлаб чиқилган;

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоғолиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирларнинг ПН-МА-02, ПН-МА-03, ПН-МА-03А каби янги маркаларини олиш технологияси яратилган.



МАМАТҚОСИМОВ МИРЗАСУЛТОН АБДУРАИМОВИЧ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Катта Қуёш Печи ва бошқа энергетик қурилмалар самарадорлигини ошириш учун уларнинг кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларини оптимизациялаш» (05.05.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимда қуёш нурланишини концентрациялаш модели, қуёш ҳаракатининг таъсири ва концентраторнинг барча оптик-геометрик кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларда мураккаб конфигурацияга эга бўлган концентраторнинг алоҳида соҳаларида нур оқими зичлиги тақсимоли, тажриба натижаларига мос келувчи ҳисоблаш методикаси таклиф қилинган;

қуёш ҳаракатланиши давомида гелиостатлар қуёш нурига тўсиб қўйишини ҳисобга олиб, Катта Қуёш Печининг алоҳида гелиостатларидан тўпланадиган концентрация учун ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

технологик жараёнлар унумдорлигини оптик йўллар орқали ошириб беришни таъминловчи концентратор фацеталарига шакл бериш амалга оширилган;

концентратор фацеталарини маълум «тасвир доғини устма-уст қўйиш» методи ўрнига «линзасиз телескоп» методи деб номланадиган тезкор юстировка қилиш усули таклиф этилган;

алоҳида элементлар-фацетлар, қўшма кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимлар зоналари ҳамда мидалнинг мураккаб шаклига эга бўлган бутун концентраторнинг акс эттирувчи сиртидан фокал доғнинг оптик-геометрик ва оптик-энергетик аниқлигини назорат қилиш усули ишлаб чиқилган;

шторли, роторли-тирқишли затворлар ёрдамида кўзгули-мужассамлаштирувчи тизимларнинг фокал текислиги атрофида турли узунликдаги ва зичликдаги импульсларни ҳосил қилиш учун махсус усули ва қурилмаси такомиллаштирилган.



РАЗЗАКОВ СОБИРЖОН ЖУРАЕВИЧ

Техника фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган хусусий тураржой уйларидаги конструкциявий ва сейсмик хавфсизлигини баҳолаш» (05.09.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

конструкциявий ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мустаҳкамлиги кичик материаллардан тикланган тураржой уйларидаги ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган;

терим материалининг физик-механик ва деформатив характеристикаларини аниқлашда экспериментал-назарий ёндашуви ишлаб чиқилган;

“Синч” турдаги уйлар ёғоч каркаси эгилувчи элементларидаги кучланишга бўйлама кучнинг таъсири асосланган;

бўйлама кучдан асосий эгувчи моментни камайишини эътиборга олган ҳолда “Синч” турдаги уйларнинг эгилувчи ёғоч каркас элементларидаги нормал кучланишни ҳисоблаш такомиллаштирилган;

“Синч” туридаги уйлар ёғоч каркаси элементларида ёғоч толалари бўйлаб пластик деформациянинг ривожланиш характерини юкланиш даражаси ва юклаш цикллари сонига боғлиқлиги асосланган;

сейсмик таъсирни берувчи куч бериш қурилмаси-йўналтирилган ҳаракатли вибростенд ёрдамида мустақамлиги кичик материаллардан тикланган уйлар хусусий тебранишлари динамик характеристикаларини аниқлашга экспериментал ёндашув ишлаб чиқилган.



САЛОМОВ ШАВКАТ ТУРАБОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Тупроққа асосий ва ғўза қатор оралиқларига ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш» (06.01.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юқори унумли занжирли ва ғилдиракли тракторлар билан тупроққа асосий ҳамда экиш олдидан ишлов беришда тупроқнинг зичланиши, солиштирма оғирлиги, сув ўтказувчанлиги каби агрофизик ва сув-физикавий хоссаларига таъсири аниқланган;

тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов беришда турли техникалар фарқи, ҳар хил қатор ораларида чигит экишнинг ниҳолларнинг униб чиқиши, фазалар бўйича ўсиш ва ривожланиш даврлари давомийлигига таъсири аниқланган;

турли техникалар ёрдамида тупроққа асосий, экиш олди ишлов бериш ҳамда ҳар хил қатор оралиқларида парваришланган ғўзанинг илдиз тизимини шаклланиши, қуруқ масса тўплаши, кўчатлар сони ва вилт билан зарарланишига таъсири тадқиқ қилинган;

ҳар хил қатор оралиқларда парваришланган ғўза навларида ишлов бериш технологиясининг асосий элементлари ҳамда озиклантириш тартиби такомиллаштирилган ва ушбу қатор оралиқларида парваришланаётган ғўзаларнинг мақбул озиклантириш меъёри аниқланган.



РАХМАНКУЛОВ МУРОД САИД-АКБАРОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Селекциянинг янги усулларида фойдаланган ҳолда ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб тезпишар, юқори ҳосилли нав ва тизмаларини яратиш» (06.01.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор NaClлик селектив озукаларда ҳужайра селекцияси олиб борилиб, лабораторияда *in vitro* шароитида селекцион материални хлоридли шўрланишга чидамлилигини баҳолашнинг услуги ишлаб чиқилган;

эмбриокультура усули орқали амфидиплоидларни олиш схемаси ишлаб чиқилган;

ҳар хил хромосомали *G. hirsutum* L., *G. raimondii* Ulbr., *G. thurberi* Tod., *G. anomalum* Waw., *G. sturtii* F.Müell., *G. davidsonii* Kell., *G. harknessii* Brand. турлар орасида амфидиплоидлар ва уларнинг беккросс авлодлари *G. sturtii* F.Müell., *G. raimondii* Ulbr., *G. harknessii* Brand., *G. aridum* Skov., *G. triphyllum* Horch. турлар иштирокида яратилган;

молекуляр маркерлар асосида тезпишар, вилтга бардошли ва генотипик бир хил бўлган ғўзанинг оила ва тизмалари яратилган;

V.dahliae ва *F.oxysporum* вилт патогенларининг изолятлари билан ўсимликларни инокуляция қилиш асосида тезпишар, юқори ҳосилдор, вилт билан зарарланишга мажмуавий бардошли янги ғўза тизмалари яратилган.



ЭГАМБЕРДИЕВА САИДА АБДИСАМАТОВНА

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзанинг маданий *G.hirsutum* L. турини қимматли хўжалик белгиларини яхшилашда интрогрессив шакллардан фойдаланиш» (06.01.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ёввойи диплоид *G.trilobum* Skovsted, *G.lobatum* Gentry, *G.Harknessii* Brandg ва рудерал *G.hirsutum* ssp. *yucatanense*, *G.hirsutum* ssp. *punctatum* var. *purpurascens* (Poir.) Mauer тур хиллари иштирокида олинган интрогрессив шаклларнинг генетик потенциали аниқланган;

1–14 авлод интрогрессив шакллари иштирокида олинган дурагай ва тизмалар популяцияси шаклланишининг биометрик таҳлили ўтказилди. Дисперсион таҳлилни қўллаш натижасида бир қатор қимматли-хўжалик белгиларнинг умумий фенотипик ўзгарувчанлигида генотипик ва модификацион ўзгарувчанликнинг нисбий ҳиссаси баҳоланган;

ёввойи диплоид *G.trilobum* Skovsted, *G.lobatum* Gentry, *G.harknessii* Brandg турлари иштирокида олинган интрогрессив шакллар асосида юқори тола сифатига эга, бошқа қимматли-хўжалик белгилари ва касалликларга бардошлилиги уйғунлашган навлар ва тизмалар яратилган;

интрогрессив шакллар иштирокида олинган дурагайларида миқдорий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича маълумотлар олинди ҳамда F_1 авлод дурагайларида вертициллез вилтига чидамликнинг доминантлиги аниқланган;

дурагайлашда интрогрессив шакллардан фойдаланиш орқали ёввойи турларнинг фойдали белгиларини маданийлашган *G.hirsutum* L. тури геномига ўтказишнинг оригинал схемаси ишлаб чиқилди; қимматли селекция ашёси яратишда интрогрессив шаклларни навлар билан чатиштиришнинг нав ичида дурагайлашга нисбатан афзаллиги ва самарадорлиги кўрсатилган;

маданий навларнинг генотипини яхшилашда турлараро ва тур ичида узоқ дурагайлаб олинган интрогрессив шакллар фойдали белгиларнинг қимматли донорлари эканлиги аниқланган;

ажралаётган авлодларда юқори маҳсулдор рекомбинантларни танлашнинг самарадорлиги прогноз қилинган;

F_2 ва F_3 авлодларида бошқа дурагай комбинацияларга нисбатан трансгрессия даражаси ва частотаси юқори бўлган генотиплар комбинациялари селекцион қийматга эга бўлиши аниқланган;

танловларнинг самарадорлиги ёки дурагай комбинациянинг қиймати F_2 авлодда олинган юқори кўрсаткичли якка танловларнинг миқдорига ҳам боғлиқ. F_2 ва F_3 да олинган якка танловлар сони кам бўлганда, ҳатто улар юқори кўрсаткичларга эга бўлганда ҳам танлов самарадор бўлмаганлиги исботланган.

ЭЛМУРОДОВ АБДУҒАНИ АКТАМОВИЧ



Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Зарафшон водийси шароитида топинамбур ўстириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш» (06.01.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон водийси типик ва ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида топинамбурнинг навлар тўплами комплекс қимматли хўжалик белгилари (тезпишарлиги, ҳосил шаклланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва туганаклар биокимёвий таркиби) бўйича ҳар томонлама баҳоланган;

озик-овқат йўналишида фойдаланишга яроқли “Эътироф” нави яратилган;

янги ва истиқболли навларни етиштириш агротехнологиясининг муҳим элементлари, навларни танлаш, мақбул экиш схемалари, туп қалинлиги, уруғлик туганакларни турли муддатларда экиш олди ишлов бериш, ўғитлаш меъёрлари, суғориш тартиби ва уруғликни сақлаш усуллари ишлаб чиқилган;

шўрланган тупроқларда навлар баҳоланган, уруғлик туганакларни экиш чуқурлиги, экиш муддати, суғориш технологияси ишлаб чиқилган;

топинамбурдан кўп тармоқли фермер хўжаликларида мўл, сифатли ва арзон ҳосил етиштиришни таъминловчи агротехнологиялар тизими, жадал кўпайтириш ҳамда такомиллашган бирламчи ва элита уруғчилиги яратилган.



АБДУЛЛАЕВ ИЛЁС СУЛТАНОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш» (08.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақа иқтисодий тизимини ривожлантириш ва оптимал тартибга солиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган;
минтақавий иқтисодий тизимининг комплекс сонли эконометрик моделини тузишнинг математик аппарати ишлаб чиқилган;

минтақа иқтисодий тизимининг оптимал тартибга солиш механизмини такомиллаштиришнинг комплекс сонли модели ва диагностик баҳолаш услуги ишлаб чиқилган;
минтақа иқтисодий тизимининг устувор йўналишларини оптимал тартибга солишнинг кўп омилли иқтисодий-математик моделлари ишлаб чиқилган;

Хоразм вилояти иқтисодий тизимини ривожлантиришни ўрта муддатли кўп вариантли сценарийлари комплекс сонли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган.



ПУЛАТОВ ДИЛШОД ҲАҚБЕРДИЕВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари» (08.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«бюджет ташкилоти», «бюджет маблағлари олувчи», «бюджет ижросига касса хизматини кўрсатиш», «давлат харидлари», «бюджет таснифи» тушунчаларини аниқлаштириш орқали Давлат бюджети маблағлари ҳисобини юритиш ва самарали ишлатилишининг илмий-услубий жиҳатдан таъминоти такомиллаштирилган;

ғазначилик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан бир қаторда Давлат бюджети маблағларини бошқаришни оптималлаштириш имконини берадиган, давлат бюджети ғазна ижроси жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар илмий асослаб берилган;

замонавий технологик ва техник мажмуаларни қўллаш ҳисобига бюджет тизими бюджетларининг даромадларини давлат бюджети ғазна ижроси билан қамраб олиш таклифи асосланган;

бюджетдан маблағ олувчилар барча бўғинларининг давлат бюджети ғазна ижросига тўлиқ ўтиши, ёпиқ (махфий) тавсифга эга бўлган харажатларни ўзига хос тартибини ҳисобга олган ҳолда давлат молиясини бошқариш жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослаб берилган;

бюджет маблағи олувчиларнинг паспортлари лойиҳаси, электрон маълумотномаси, услубий қўлланма ва дастурий мажмуани ўз таркибига олувчи инновацион ишланма яратилган;

Ўзбекистондаги молиявий муносабатларни ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичи хусусиятлари ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик асослари ишлаб чиқилган.



ҚЎЗИЕВ ИСЛОМЖОН НЕЪМАТОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш» (08.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аудиторлик ҳисоботларида акс эттириладиган маълумотларни гуруҳлаш, қайта ишлаш ва аналитик ишлов бериш ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш поғоналарини шакллантиришнинг методологик жиҳатлари ишлаб чиқилган;

аудиторлик текширувларининг муаяйн изчилликда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташқи аудитни ўтказиш босқичлари ва амалларининг узвий боғлиқликдаги кетма-кетлиги модули яратилган;

аудиторлик ҳисоботи юзасидан аудитнинг халқаро стандартларига асосланган аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш концепцияси бўйича таклифлар асосланган;

халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувларининг сифатини ошириш юзасидан аудиторлик ҳисоботларининг мукамал шакли ишлаб чиқилган;

махсус топшириқлар бўйича аудиторлик ҳисоботининг таркиби ва уни тузиш кетма-кетлигини белгилаш концепцияси бўйича таклифлар асослаб берилган;

аудиторлик текширувлари натижаларини умумлаштиришда аудиторлик хулосалари, уларнинг турлари, модификациялашган шакллари тузиш ва унинг таркибини такомиллаштиришга доир тизимли ёндашув таклиф этилган.



АБДУЛЛАЕВА НАСИБА БЎРОНОВНА

Фалсафа фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайннинг имманент хусусиятлари» (09.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадиий-эстетик маданият механизмлари (бадиий-эстетик эҳтиёж, бадиий-эстетик муносабат, бадиий-эстетик фаолият)нинг уйғунлигини таъминлашда маданият муассасалари, ташкилотлар, ижтимоий институтларнинг воситачилик хусусиятлари (бадиий-эстетик қадриятларни яратиш, оммалаштириш, мониторингини олиб бориш) очиб берилган;

дизайн ва санъат ҳамкорлиги, уларда илмий-рационал ва бадиий-эстетик хусусиятлар трансформацияси илмий-назарий асосланган;

дизайннинг бадиий-образлилик, ижодийлик, бунёдкорлик каби имманент хусусиятлари утилитар-эстетик, прагматик-аксиологик тамойиллар асосида очиб берилган;

Ўзбекистонда дизайн ижтимоий-маданий динамикасининг омиллари (инновацион технологиялар, миллий ва замонавий ижодий услублар) асосланган;

бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайн фаолиятининг бадиий-образли моделлаштириш, тизимлилик, илмий асосланганлик каби хусусиятларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



МУСАЕВ ОДИЛ РАХМАТОВИЧ

Фалсафа фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари» (09.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полиэтниклик шароитида миллий сиёсат концепциясини яратиш ижтимоий зарурат эканлиги илмий асосланган ва унинг асосий тамойиллари (мультикультурализм, толерантлик, плюрализм, тенг ҳуқуқлилик) такомиллаштирилган; давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг этномуносабатларни ривожлантириш механизмлари (эмпирик, стратегик, тизимлилик) ишлаб чиқилган;

этномаданий плюрализм ва этносиёсий парадигма миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий негизи эканлиги илмий асосланган;

миллий мафкурадаги тенг ҳуқуқлилик, толерантлик, этноплюрализм, мультикультурализм ғояларининг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаши илмий асосланган;

миллий маданий марказларнинг этномуносабатларни консолидациялаштирувчи конструктив институтлар сифатидаги ижтимоий мақомини (қўмита ёки вазирлик даражасида) ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



ЖУМАНАЗАРОВА ГУЛЖАҲОН УМУРЗОҚОВНА

Филология фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостатистик ва лингвостатистик таҳлил)» (10.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

dostonлар тилидаги сўзларнинг тарихий-этимологик ва вазифавий-мазмуний хусусиятлари очиб берилган;

dostonларнинг электрон матни асосида лексикографик манбалари (сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатлар) яратилган;

dostonлар матнидаги фонетик, лексик-грамматик қурилишидаги бирликларнинг қўлланилиш миқдори аниқланган;

dostonлар тили лингвопоэтикасини аниқлаш орқали услубий формулаларнинг тузилмавий-поэтик табиати ва лексик-стилистик қатламларнинг семантикаси асосланган, ибораларнинг тузилмавий-семантик ва коннотатив маъноларидаги ўзига хосликлар очиб берилган;

dostonлар қаҳрамонлари нутқидаги норасмий, халқчил унсурлар (сўкиш, қарғиш ва ҳақорат сўзлар)нинг матнидаги лингвопоэтик хусусиятлари, тақрорий бирликлар ва сажъ санъатининг лисоний ва лингвопоэтик имкониятлари асосланган;

достонлар тилидаги ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик табиати, сифатлаш, метафора, метонимия ва паремиологик бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадий-эстетик қиммати очиб берилган.

ТОЖИЕВА ЗУЛХУМОР НАЗАРОВНА



География фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари» (11.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барқарор ривожланишга таъсир этувчи демографик хавфсизлик индикаторлари ва уларнинг ҳудудлар миқёсида ижтимоий-иқтисодий оқибатлари асосланган; ижтимоий демографик ривожланишдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда геодемографик ва демогеографик тадқиқотларнинг методологияси демогеографик

районлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ҳудудларнинг демографик сиғим (ХДС) даражаси жами аҳолининг ёш-жинс таркиби бўйича ишлаб чиқилган, аҳоли пунктларини ҳудудий ташкил этиш билан аҳоли такрор барпо бўлишининг демогеографик хусусиятлари аниқланган;

республика аҳолисининг ўлим ва ўртача кутилаётган умр давомийлиги де Муавр усули бўйича моделлаштириш асосида уларнинг ўзаро корреляцияси ва динамикаси асосланган;

демография, аҳоли бандлиги ва меҳнат бозори масалаларида соҳага оид муаммоларни ҳал этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини мониторинг қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

демографик ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқбол кўрсаткичларига асосланган демографик прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

АСИЛОВА ГУЛШАН АСАДОВНА



Педагогика фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида)» (13.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тил таълимига компетент ёндашув ва уни рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда қўллашнинг лингводидактик асослари такомиллаштирилган;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг ўзбек тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси оғзаки ва ёзма, монологик ва диалогик

нутқ турларига алоқадорлигига кўра компонентларга ажратилган;

божхона ва солиқ йўналишлари учун ўзбек тили фанининг ўқув-дастурий таъминотида соҳавий терминларнинг ёритилиши ҳамда ўргатилиши илмий-методик жиҳатдан такомиллаштирилган;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг касбий монологик ва диалогик нутқини ўстиришнинг уч босқичли тизими ишлаб чиқилган;

рус гуруҳлари талабаларига божхона ва солиқ соҳаларига оид ички меъёрий ҳужжатларни давлат тилида тузиш, тўлдириш ва расмийлаштиришни ўргатишнинг самарали методикаси ишлаб чиқилган;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясининг ривожланганлик кўрсаткичлари аниқланган ва баҳоланган.

УЗБЕКОВА НЕЛЛИ РАФИКОВНА



Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Метаболик синдром патогенезининг нейрогуморал механизми ва терапевтик коррекциялаш йўллари» (14.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

МС ривожланишининг асосий патогенетик механизмларининг ёғ тўқимаси секретор фаоллиги, нейрогуморал, адренергик, яллиғланиш механизмлари, юрак ва қон томирлар ремоделланиши билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг МС авжланишида иштирок этиши даражасига аниқлик киритилган;

лептинрезистентликнинг эрта ривожланиш механизмига сабаб бўлувчи эркин лептиннинг юқори коэффициенти ва лептин рецепторларининг паст даражаси исботланган;

фермент каталитик хусусиятларини сифатли модификацияловчи ЛПО фаоллигининг кескин ортиши билан боғланган MAO даражасининг пасайиши билан уйғунлашувчи САТ фаоллигининг

ортиши кузатилган;

МС қайд этилган беморларда ЭД ривожланиши эрта босқичида предикторлар сифатида юқори даражали ANCA антинейтрофил аутоантитаначаларнинг роли, шунингдек юрак-қон томирлар эрта ремоделланишида ИФР-1 юқори даражасининг аҳамияти изоҳланган;

ЧҚГ эрта ривожланиши билан юракнинг ремоделланиши предиктори сифатида ва миокард дистрофияси жараёнларининг тезлигини иширувчи СОМ-02 кардиомиоцитлар аутоантитаначаларининг даражаси ортганлиги исботини топган;

инсулин рецепторлари аутоантитаначалар томонидан содир этаётган блокадаси инсулинрезистентлик ривожланишининг механизмларидан бири деб белгиланган;

АГ, семизлик, дислипидемия билан МС аниқланган беморларни даволаш тизимида ангиотензин-II рецепторлар блокаторлари (АРБII) (валсартан), I₁ – имидазолин рецепторлар агонистлари (моксонидин), адипозга қарши препаратлар (орлистат), 4 генерация статинлари (розувастатин) қўшилган ҳолда МСнинг комплекс терапиясига ёндашиш йўналиши патогенетик шарҳланган.



АХМЕДОВ ХАЛМУРАД САДУЛЛАЕВИЧ

Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистоннинг турли иқлим-географик ва экологик ҳудудларида ревматоид артрит ўзига хос кечиши ва олдини олишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш» (14.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда бўғим синдроми, унинг агрессивлиги ривожланишидаги эрта деструкцияланиш механизми асосланган ва унинг авжланишида ксенобиотиклар (Al ва Ni) роли исботланган;

ревматоид артритга чалинган репродуктив ёшдаги аёлларда гипопрогестеронемия негизда ҳужайравий ҳимояланиш жараёни ва улардаги дифференцияловчи антигенлар (CD11b+, CD18+, CD25+ ва CD95+) экспрессиясидаги бузилишлар аниқланган;

ревматоид артритда водород фториди (FH) юкламаси негизда Т- ҳужайралар апоптозининг ҳаққоний авжланиши аниқланган ва унинг иммун тизими номутаносиблигидаги ўрни асосланган;

ревматоид артритда беморлар яшаш жойига кўра клиник белгилари даражасининг динамикасини ўзига хослиги ва тизимланиш жараёнини шаклланишига олиб келувчи ташқи хавф омиллари (NO₂, FH, Cd, Al ва Pb) аниқланган;

ревматоид артритда турли иқлимий физик кўрсаткичлари (K_r, S, K_m ва K_{yp}) негизда фаолланиш (DAS28 ва SDAI) ва клиник ремиссияланиш (2,6>DAS28>6 ой) жараёнини динамикаси орқали мазкур касалликка иқлимнинг қулайлик даражалари ишлаб чиқилган;

ревматоид артритда профилактика реабилитация тадбирлари негизда прогестерон танқислигини коррекциялашнинг аҳамияти асосланган ва ушбу тактика узоқ клиник ремиссияланишни таъминлаши исботланган.

ХУДАЙКУЛОВА ГУЛЬНАРА КАРИМОВНА

Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Перинатал ОИВ-инфекция» (14.00.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор перинатал инфекция билан зарарланишда болаларда ОИВ-инфекциянинг мажмуали клиник, иммунологик ва вирусологик тавсифи берилган;

ОИВнинг вертикал трансмиссиясига таъсир қилувчи асосий хавф омиллари аниқланган (ҳам она тарафдан, ҳам бола тарафдан) ва ОБООД стратегияси доирасида олдини олиш тадбирларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб

чиқилган;

эрта неонатал даврда она қорнида инфекция билан зарарланиш ҳолатини гумон қилишга ва ОИВни эрта ташхислаш бўйича тадбирларни ўз вақтида бошлашга имкон берувчи, перинатал зарарланган болаларда янги туғилганлик даврдаги ўзига хос клиник белгилар аниқланган;

асосий оппортунистик касалликлар ва ко-инфекциялар тарқалганлиги, тузилмаси, ифодаланиш қонунийлиги, ОИВ билан перинатал зарарланган болаларда жисмоний ва руҳий-асаб ривожланиши ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

ОИВ-инфекциянинг табиий кечишида ва РВҚДни ўтказиш давомида иммунологик ва вирусологик кўрсаткичлар динамикасининг қонунийлиги аниқланган;

ОБООД мақсадида туғилганда РВҚ препаратларининг таъсирига йўлиққан, перинатал ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда РВҚД турли схемаларининг самарадорлиги таҳлил қилинган ҳамда даволаш тактикасини танлашга дифференциацияланган ёндашиш ишлаб чиқилган;

тадқиқотда аниқланган перинатал ОИВ-инфекция кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ОИВ билан зарарланган болалар ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва терапевтик тадбирлар мажмуаси такомиллаштирилган.

КАСЫМОВА ГУЛЬМИРА ГАФУРОВНА



Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Гепатоканцерогенез ва гемобластозларни қиёсий ўрганиш: патогенез ва рекомбинант интерлейкин-2 билан экспериментал даволаш» (14.00.16).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гепатоканцерогенез ва лейкомия моделларида неопластик жараёнлар ривожланишида цитокинлар, ёғларни перекисли оксидланиши жадаллашиши ва азот оксид миқдорининг ошганлиги аниқланган; неопластик жараёнлар ривожланишида азот оксидининг ўрни баҳоланган: канцерогенез даражасига боғлиқ равишда L-аргинин, азот оксидининг қолдиқ маҳсулотлари ва периоксинитрит миқдорининг ўзгариши метастазланишни кучайишига шарт-шароитлар яратиши исботланган;

канцерогенез босқичига боғлиқ равишда тажриба ҳайвонлари қон зардоб ва жигар гомогенатида антиоксидант ҳимоя ферментининг пасайиши ҳамда яққол гиперлипипероксидация белгиларига боғлиқлигини аниқланган;

турли неопластик жараёнларни жадаллашишига олиб келувчи ИЛ-1, ИЛ-6 ва ФНО-α цитокинлар экспрессияси исботланган;

гепатоканцерогенез ва лейкомияда цитостатикларнинг ўсма хужайраларига қарши таъсири кучайтиришда даво муолажаларига ронколейкиннинг киритилиши асосланган ва доксорубин ва гидреанинг умумий токсик таъсири камайтириш хусусияти асосланган.

АШУРОВ ЗАРИФЖОН ШАРИФОВИЧ



Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Девиант хулқ-атворли беморларда алкоголизм ва наркоманиянинг клиник хусусиятлари» (14.00.18).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморлар преморбидидаги девиант хулқ-атвор ривожланишида перинатал патология кузатилиши, эмоционал-нотурғун ва эксплозив шахс типларининг устунлиги, наркологик ва руҳий касалликларга наслий мойиллик ҳамда ижтимоий-психологик омилларнинг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

психоактив воситаларни истеъмол қилишнинг эрта бошланиши, қарамликнинг юқори тезликда шаклланиши ҳамда абстинент синдромнинг оғир кечиши билан характерланадиган, преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларда қарамликнинг юқори даражадаги прогредиент кечиши асослаб берилган;

преморбидда девиант хулқ-атворли беморларда патологик майлнинг хулқ-атвор ва аффектив компонентлари устунлик қилиши аниқланган;

қарамлик юқори даражада прогредиент кечувчи девиант хулқ-атворли беморларда бош миянинг бироз қуришидан то субкортикал макон ва бош мия пўстлоқ қисми пешона бўлаги эгатчаларининг кенгайиши каби морфологик ўзгаришларнинг шаклланиши аниқланган;

преморбидда девиант хулқ-атворли алкоголизм ва опийли гиёҳвандликка чалинган беморларнинг ижтимоий мослашувини яхшилаш учун когнитив хулқ-атвор психотерапиясини қўллаш патогенетик асослаб берилган.

РИЗАЕВ КАМАЛ САИДАКБАРОВИЧ



Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўткир деструктив панкреатит ташхиси ва давосини такомиллаштириш» (14.00.27).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мазкур иш дастлабки тадқиқотлардан бири бўлиб, унда ўтказилган тиббий-ижтимоий статистик таҳлилга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида ўткир панкреатитнинг тарқалганлиги, частотаси ва клиник кечиш хусусиятлари аниқланган;

биринчи бор ЎПни даволаш тажрибаси умумлаштирилган бўлиб, унга асосланган ҳолда ташкил этилган шошилишч тиббий ёрдам универсал тизими ўзининг максимал самарадор-

лиги ва натижаси билан «...Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, қаерда яшаётганлигидан, моддий имкониятларининг қандайлигидан қатъий назар зарур стандартдаги шошилиш тиббий ёрдамни олиши зарур» деган асосий тамойилни рўёбга чиқаради;

ўткир панкреатитни комплекс ташхислаш ва унинг оғирлигини баҳолашда клиник, лаборатория, нур ёрдамида ва ускунали усулларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида ўткир панкреатитнинг патоморфологик шаклини ҳамда клиник кечиш оғирлигини прогнозлашнинг РШТЁИМ шароитларига мослаштирилган ва модификацияланган усули таклиф этилган;

турли хил текширув усуллари маълумотларини корреляциявий таҳлил қилиш асосида ўткир панкреатит деструктив шакллари ривожланиш хавфини, унинг оғирлик даражасини, асоратларини ва летал оқибатларини баҳолашнинг сифат ва миқдор мезонлари аниқланган;

ЎПни даволашда турли усулларнинг самарадорлиги баҳоланган ва уларга кўрсатмалар ишлаб чиқилган, касалликнинг этиологияси ва муддатларига, деструктив асоратларнинг оғирлиги ва кўламига кўра хирургик даволашни эрта фаоллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

ўткир панкреатитни комплекс даволашда турли даволаш-тактик ёндашувлар ва усулларни қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш натижаларини эътиборга олган ҳолда хирургик тактиканинг рационал алгоритмлари ишлаб чиқилган ва ТўПни жадал даволашнинг ягона баённомаси стандартлаштирилган;

катта дуоденал сўрғичнинг тиқилган тошлари замирида ЎПни даволаш натижаларини танқидий таҳлил қилиш орқали, панкреатитнинг тегишли клиник, инструментал ва лаборатор белгилари бўлмаган тақдирда ҳам билиар панкреатит ривожланмасидан олдин эндоскопик текшириш ва даволаш муолажаларини ўтказиш зарурлиги асосланган.

ТИЛЯКОВ АКБАР БУРИЕВИЧ



Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Қўшма шикастларда чаноқ суяклари ностабил синишларини ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўллари» (14.00.22).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

политравма структураси ўрганилди ва чаноқ қўшма синишларини анъанавий клиник диагностик стандартларга асосланиб даволашда қониқарсиз натижалар ривожланишининг хавф омиллари аниқланган;

қўшма шикастларда чаноқ суяқларининг ностабил ва полифокал синишлари қайд этилган беморларни даволашнинг оптимал тактикасини танлашда унификацияланган даволаш-ташхислаш дастури ишлаб чиқилган;

чаноқнинг ностабил синишларини кам жароҳат етказиб даволашда чаноқ ҳалқасини стабил фиксациялаш ва суяк синиқларини сифатли репозициясига эришиш учун ўзакли ташқи фиксация аппарати такомиллаштирилган;

такомиллаштирилган аппаратнинг турли статистик юкламалар таъсиридаги самарадорлиги ва бу аппаратнинг таранг режимда адекват ишлашини таъминлаш учун уларнинг максимал қийматлари механик экспериментда асослаб берилган;

такомиллаштирилган ўзакли ташқи фиксация аппаратининг техник афзалликлари аниқланган;

«Чаноқ-сон аппарати» чаноқнинг қуймичаро синишларини даволаш учун ўқли-ўзакли аппарати ишлаб чиқилган;

суяк тўқимаси шикастланишларида остеорепарация жараёнларини ҳамда чаноқ битишмалари тоғай қисми узилишларида бириктирувчи тўқима регенерация жараёнлари стимуляциясини жадаллаштириш учун эмбрионал аллофибробластларни имплантация қилиш усули ишлаб чиқилган.

ХУЖАНАЗАРОВ ИЛХОМ ЭШКУЛОВИЧ



Тиббиёт фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Болаларда тирсак бўғими посттравматик деформацияларда дифференциал хирургик ёндашув» (14.00.22).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда нур текшириш усуллари верификацияси ёрдамида ТБПТДа касаллик характери намоён бўлишини башоратлашнинг аҳамияти, оғирлик даражаси ва уларнинг асоратлари ўрганилди;

тирсак бўғими оғир деформацияларини хирургик даволаш усулини дифференциал танлаш, унинг анатомик шакли шаклланиш босқичлари ва болалар реабилитациясининг барча босқичларида локомотор функцияни оптимизациялаштиришнинг клиник ташхислаш критериялари ишлаб

чиқилган;

болаларда тирсак бўғими қисмида синишлардан кейинги турли деформацияларни оператив коррекциялашни танлашни оптималлаштиришга имкон берувчи ТБПТДнинг ишчи таснифи ишлаб чиқилган;

ТБПТДни босқичма-босқич коррекциялашнинг даволаш-ташхислаш алгоритми таклиф этилган;

имкон қадар қисқа муддатларда ТБ функцияси тикланиши учун оптимал шароитлар яратувчи ТБПТДни хирургик коррекциялашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

ТБнинг «дўмбоқ усти синдроми» билан асоратланган варусли деформациясини хирургик даволашнинг янги усули таклиф этилган;

болаларда ТБ вальгус деформацияси бўлган ЕСБЮБ (елка суяги бўғим юзи бошчаси)нинг сохта бўғимларини хирургик даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди: «Илизаров аппаратида ЕСБЮБнинг сохта бўғимини резекция қилиш, дўмбоқ усти тўғриловчи варизирловчи остеотомия ва остеосинтез» турли яссиликдаги ТБнинг барча кўринишдаги деформацияларини бир вақтда бартараф этиш имконини берди.

ХАМДАМОВ ХАБИБУЛО АБЛОКУЛОВИЧ



Ветеринария фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистонда шохли моллар бруцеллезининг эпизоотологияси, замонавий олдини олиш ва қарши курашиш чоралари» (16.00.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бруцеллез бўйича эпизоотик ҳолат ретроспектив таҳлил қилинган, дала тадқиқотлари натижалари билан солиштирилган, ажратилган штаммлар ПЗР-да типизация қилинган ва шохли моллар бруцеллезининг эпизоотик ҳолати аниқланган;

бруцеллезнинг S, R, SR ва RS турларига қарши дунёда аналоглари бўлмаган поливалентли қон зардобнинг биринчи миллий стандарти яратилган;

ҳайвонларнинг натив қонидан (гемокультура) бруцеллаларни ажратиш олиш услуби ишлаб чиқилган;

ингичка икки учли игналар ва вакуумли пробиркалар ёрдамида ҳайвонлардан қон намуналарини олишнинг ёпиқ тизими ишлаб чиқилган;

сутда ҳалқа реакцияси учун рангли бруцеллез антигени билан сут берувчи туялар бруцеллезининг диагностикаси услуби яратилган;

бруцеллезга қарши махсус қон зардобни тайёрлашда сунъий ҳомиладор организм моделини яратиш услуби ишлаб чиқилган.

СҮЮНОВ НИЗОМ ДАВУРОВИЧ



Фармацевтика фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Нафас аъзолари касалликларида беморларни дори воситалари билан таъминланишининг фармакоиктисодий таҳлили ва уни оптималлаштириш» (15.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аллергик ринит, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллигини даволашда қўлланиладиган бронхолитик, глюкокортикоид, аллергияга қарши дори воситаларидан амалиётда оқилона фойдаланишни фармакоиктисодий баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

нафас аъзолари касалликларининг кенг тарқалган касалликларида дори воситалари билан таъминлашни оптималлаштиришни фармакоиктисодий баҳолаш ҳамда бронхиал астма касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситалари истеъмолнинг истиқболини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

илк бор аллергия ринит, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллигини даволашда қўлланиладиган ҳаётий муҳим ва ҳаёт сифатини яхшиловчи, зарурий ва иккинчи даражали дори воситаларининг гуруҳи яратилган ва улар билан таъминланишни оптималлаштириш методикаси ишлаб чиқилган;

дори воситаларини қўллашдаги муаммоларга асосланиб, истеъмолчилар харидларини оптималлаштириш учун «Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг жамланма нархномаси» аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларига шаффофлик, аниқ ва равшан маълумотларни таъминлайдиган усули яратилган;

клиник кузатувлар таҳлили ва кўп сонли юқори малакали шифокор-эксперт мутахассислар орасида расмий равишда сўровнома ўтказилиб, маълумотларга интеллектуал ишлов берилиши

ҳамда клиник кузатувлар натижалари бир-бирига мос келишига кўра беморни самарали даволашда дори воситаларининг дори шакли ва дозаси муҳим ўрин тутиши фармакоиктисодий асосланган.



АБДУАЗИМОВ ОҚИЛЖОН УТКУРОВИЧ

Социология фанлари доктори. Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001–2016 йиллардаги материаллари мисолида)» (10.00.09).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Матбуотнинг тўрт назарияси» такомиллаштирилиб, миллий оммавий коммуникациялар тарихини ҳамда замонавий жараёнларини таҳлил қилишга мос келувчи янги концепция ва назарий қарашлар ишлаб чиқилди. Ушбу назарий қарашлар умумлаштирилиб, «Матбуотнинг 4Т назарияси» деб номланди. Булар: «Термитлашган матбуот назарияси», «Трибониклашган матбуот назарияси», «Трансформациялашган матбуот назарияси», «Та-назиялашган матбуот назарияси»дан иборат;

жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда «матбуот–шахс–жамият–давлат» ўзаро қайтма алоқаларини баҳолашнинг 6 та мезони (профессионаллик, мустақиллик, иқтисодий эркинлик, ижтимоий адолатлилик, тезкорлик, холислик) илмий-назарий асосланган ҳолда ишлаб чиқилган;

ахборотлашган жамиятда «ОАВ–журналист–муассис–аудитория» ўртасидаги ўзаро қайтма алоқалар таҳлили асосида анъанавий таҳририятлар трансформациялашиб, янги парадигма сифатида трансмиллий таҳририятларга айланишининг замонавий тенденциялари ва принциплари очиб берилган;

объект ва субъект ўртасидаги қайтма алоқаларни тадқиқ этиш орқали жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда ОКВ функциялари юзага чиқишининг уч босқичли механизми мавжудлиги аниқланган;

ахборотлашган жамиятда журналистиканинг демократик институт сифатида интеграциялашуви ва ОАВ материалларининг контент-таҳлили очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг тегишли қарорлари билан 2017 йил (август)да фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланганлар РЎЙХАТИ



ХАКИМОВ РУСТАМЖОН МАХМУДОВИЧ

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Спин қийматлари тўплами чекли бўлган моделлар учун лимит Гиббс ўлчовлари» (01.01.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки ҳолатли қаттиқ дисклар модели учун даври икки бўлган кучсиз даврий Гиббс ўлчовларининг ягоналик шартлари аниқланган;

$k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида Поттс ва SOS моделлари учун трансляцион-инвариант Гиббс ўлчовларининг локализацияси аниқланган;

агар Поттс модели учун $H-G_k$ гурпуадаги чекли индексли нормал бўлувчи бўлса, у ҳолда барча H -даврий Гиббс ўлчовлари $G_k^{(2)}$ -даврий ёки трансляцион-инвариант бўлиши исботланган; иккинчи тартибли Кэли дарахти устида уч ҳолатли антиферромагнит ($J < 0$) Поттс модели учун $\alpha = 0$ да баъзи инвариантларда барча даврий Гиббс ўлчовлари трансляцион-инвариант эканлигини исботланган;

$k \geq 2$ тартибли Кэли дарахти устида уч ҳолатли ферромагнит ($J > 0$) Поттс модели учун барча $G_k^{(2)}$ -даврий Гиббс ўлчовлари трансляцион-инвариант эканлигини кўрсатилган;

иккинчи тартибли Кэли дарахти устида уч ҳолатли Поттс модели учун $\alpha \neq 0$ да инвариантларнинг бирида $G_k^{(2)}$ -даврий (трансляцион-инвариант бўлмаган) Гиббс ўлчовларининг мавжудлиги исботланган;

$k \geq 3$ тартибли Кэли дарахти устида q -ҳолатли ($3 \leq q < k+1$) Поттс модели учун $G_k^{(2)}$ -даврий Гиббс ўлчовлари сонининг қуйи чегараси берилган;

$k \geq 3$ тартибли Кэли дарахти устида уч ҳолатли Поттс модели учун инвариантларнинг бирида $G_k^{(2)}$ -даврий Гиббс ўлчовларининг аниқ сони топилган.

БОЛТАЕВ ЗАФАР ИХТИЁРОВИЧ

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Муҳит билан боғланган узун пластинкасимон ва цилиндрик қовушқоқ-эластик қобикларда тўлқин тарқалиши хусусиятлари» (01.02.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи тартибли комплекс коэффицентли оддий бир жинсли дифференциал тенгламалар системасига олиб келинувчи спектрал масалани ечиш усулари ишлаб чиқилган;

диссепатив механик тизимларда тўлқинли тизим бўйича сўнишини ифодаловчи усулар ишлаб чиқилган;

диссепатив бир жинсли бўлмаган механик системалар учун эркин тебранишлар частотаси максимал яқинлашганда энергия диссепациясини интенсив бўлиши ва ҳаракатни қувурнинг суюқ-лилик контактида йиғилиши аниқланган;

қовушқоқ-эластик муҳитдаги тўлқин фаза тезлигининг қиймати (комплекс фаза тезлигининг ҳақиқий қисми), эластик муҳитдаги фаза тезлигининг қийматидан 10–15% кам бўлиши аниқланган.

ЭРКАБОВ УЛУГБЕК ИНАЯТИЛЛАЕВИЧ

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Квантловчи магнит майдонида яримўтказгичлардаги осцилляция ҳодисаларига ҳарорат ва босим таъсири» (01.04.10).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

квантловчи магнит майдонда термодинамик ҳолатлар зичлигини ҳароратга боғлиқлиги назарий аниқланган;

ноквадратик дисперсия қонуни учун квантловчи магнит майдонда комбинирланган ҳолатлар зичлиги осцилляциясига ҳароратнинг таъсирини ҳисоблаш усули ишлаб



чиқилган;

ҳолатлар зичлигини узлуксиз спектрининг экспериментал қийматидан фойдаланиб тузилган математик моделлаштириш жараёни Ландау дискрет сатҳларини ҳисоблаш имкони яратилган;

нопараболик дисперсия қонуни учун ютилган ёруғлик частотаси ва яримўтказгичларни таъқиқланган зона кенглигининг магнит майдонга ночизиқли боғланганлиги кўрсатилган;

яримўтказгичларда Ландау сатҳларини термик кенгайишини ҳисобга олган ҳолда Шубников-де Гааз ва де Гааз-ван Альфен эффектларининг ҳароратга боғлиқлиги назарияси таклиф қилинган;

ўтказувчанлик зонасидаги эркин электронларнинг Ландау сатҳларига босимнинг таъсирини ҳисоблаш учун аналитик ифодаси топилган.



ЯРКУЛОВ АХРОР ЮЛДАШЕВИЧ

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Целлюлоза эфирлари асосидаги композицияларнинг физик-кимёвий ва термодинамик хоссалари» (02.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор золь-гель усулида олинган гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокomпозицион материалларнинг физик-кимёвий ва термодинамик хоссалари аниқланган;

интермакромолекуляр комплекс ва гибрид полимер-кремнезем нанокomпозицияларда синтез-тузилиш-хосса ўзаро боғлиқлиги исботланган;

турли термодинамик назариялар ва сорбцион моделлар асосида полимер аралашмалари, интерполимер ҳамда гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокomпозициялардаги сув ва бензолнинг ҳолати кўрсатилган;

полимер-полимер аралашмалар, интермакромолекуляр ва гибрид нанокomпозицион материалларнинг полимер эритмалар термодинамикаси ҳамда аралашуш назариялари асосида янги нанокomпозицион материалларни яратиш йўллари ишлаб чиқилган.



ҲАЗРАТҚУЛОВА СЕВАРА МУСИНОВНА

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Табиий оксикислоталар N-алмашган акриламидларини радикал полимерланиши» (02.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор табиий оксикислоталар асосида N-алмашган ионоген функционал гуруҳли мономерлар синтез қилинган, рН- ва термосезгир, сувда эрувчан ва бўкувчан полимерлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

муҳит-рН ва эритманинг ион кучи каби омилларни мономерларнинг радикал полимерланишига таъсири тасдиқланган, реакция кинетикаси ҳамда механизми Кабанов ва Топчиевнинг ион жуфтлар назариясига мос келиши тасдиқланган, мономерларнинг радикал полимерланиш жараёнини бошқариш исботланган;

синтез қилинган мономерларни диэтилакриламид, N-винилпирролидон билан сополимерланиши орқали янги термосезгир полимерлар олинган ва уларнинг термосезгир хоссаларининг сополимерлар таркибини ўзгартириш орқали бошқариш мумкинлиги асосланган;

полиакриламидо-N-метилен сут кислотаси ўсимликлар ўсишининг стимулятори сифатида қўлланилиши буғдой уруғларининг униш самарадорлигига, пояларининг ривожланишига ва ҳосилдорлигига самарали таъсири аниқланган.



ЭШҚУРБОНОВ ФУРҚАТ БОЗОРОВИЧ

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Янги самарали комплекс ҳосил қилувчи ионитлар синтези ва тадқиқоти» (02.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эпихлоргидрин-карбамид (тиокарбамид) ҳамда формалин-карбамид (тиокарбамид) асосидаги маҳсулотларнинг полиэтиленполиамин, меламин, ГИПАН, ортофосфат кислота билан реакцияси натижасида таркибида олтингугурт, азот, ксилород ва фосфор донор атомлари сақлаган комплекс ҳосил қилувчи полифункционал, термокимёвий барқарор, танловчан ионитлар яратилган;

диметилкарбамид ва диметилкарбамиднинг ГИПАН ва ортофосфат кислота билан ўзаро реакцияси натижасида маҳаллий хомашёлар асосида янги, самарали ва арзон комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтез қилинган;

синтез жараёнини кинетик тадқиқ қилиш орқали реакциянинг тезлик константаси, активланиш энергияси, олинган ионитлар физикавий ва кимёвий хоссаларининг ҳароратга, бошланғич моддалар концентрацияси ва бошқа омилларга боғлиқлиги аниқланган;

бошланғич моддалар кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларининг импорт ўрнини босувчи, комплекс ҳосил қилувчи ионитлар асосий кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларига (кумуш, кобальт, рух, никель, мис, қўрғошин металлари сорбцияси, сорбцион сиғими, функционал гуруҳларнинг диссоциаланиш даражаси) боғлиқлиги исботланган;

диметилолкарбамид (диметилолтиокарбамид) ва диглицидилкарбамид (диглицидилтиокарбамид) асосида комплекс ҳосил қилувчи ионитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.



БЕРДИЕВА МАЛИКА ИБОДУЛЛОЕВНА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Кимё саноати чиқиндилари асосида поликонденсацион турдаги ион алмашилиш полимерларини олиш технологияси» (02.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ионоген группаларини киритиш учун ШГКМ куб чиқиндилари ва фурфурол асосида поликонденсация реакцияси йўли билан полимер олиш усули ишлаб чиқилган; полимерларни ҳосил бўлиши реакциянинг бошланғич мономерлар концентрациясига, катализаторлар, реакция ҳароратига боғлиқлиги аниқланган;

олинган полимерни сульфурлаш жараёни технологик режими ишлаб чиқилган;

олинган ионитларни амалда қўллаш мақсадида замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари қўллаб катионитларнинг асосий хоссалари аниқланган;

олинган катионитлар кимё, гидрометаллургия корхоналарида ҳамда артезиан сувларини юмшатиш жараёнларида қўлланилган.



ТУРГИНОВ ОРЗИМАТ ТУРДИМАТОВИЧ

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бойсун ботаник-географик райони флораси» (03.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бойсун ботаник-географик райони флорасида 89 оила, 524 туркумга мансуб бўлган 1564 турнинг конспекти тузилган ва кенг қўламли таҳлили амалга оширилган;

фан учун янги бўлган 3 тур (*Jurinea tschernevae* Tojibaev & Turginov, *Iris khassanovii* Tojibaev & Turginov, *Allium decoratum* Turginov & Tojibaev) аниқланган ва тавсифланган, илк бор Ўзбекистон флораси учун 16 тур, Ҳисор тизмаси флораси учун 15 тур келтирилган;

тадқиқот ҳудудининг ботаник-географик чегаралари аниқланган;

Dionysia hissarica Lipsky, *Allium majus* Vved., *Ferula tuberifera* Korovin, *Ungernia victoris* Vved., *Sternbergia fischeriana* (Herb.) M. Roem., *Dimorphosciadium gayoides* (Regel & Schmalh.) Pimenov, *Astragalus tupalangi* Gontsch. каби камёб ва эндем турларнинг янги популяциялари аниқланган;

илк маротаба Бойсун ботаник-географик райони флорасининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи маълумотларнинг электрон базаси яратилган ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган.

ПОЗИЛОВ МАЪМУРЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Экспериментал диабетда жигар митохондрияси функциясининг бузилишлари ҳамда уларни сальвифолин ва гликоразмулин билан коррекциялаш» (03.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сальвифолин дитерпеноиди ва гликоразмулиннинг мембранафаол хossalари аниқланган;

in vitro тажрибаларда соғлом ҳайвонлар жигаридан ажратилган митохондрияларнинг ион каналлари ва энергетик метаболизм жараёнларига сальвифолин ва гликоразмулиннинг концентрацияга боғлиқ таъсири аниқланган;

экспериментал диабет шароитида сальвифолин дитерпеноиди ва гликоразмулин субстанциясининг антиоксидант хоссалари, mPTPга ингибирловчи таъсир этиши, митоK_{ATP}-канал фаоллигига ва АТФ синтези жараёнига самарали таъсир этиши исботланган;

экспериментал диабетда жигар митохондрияси мембранасининг пассив ион ўтказувчанлиги ўзгариши ва ушбу шароитларда сальвифолин ҳамда гликоразмулиннинг коррекцияловчи таъсири

аниқланган.



АТАУЛЛАЕВ АЗИЗЖОН ОДИЛОВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Радиотехник кузатувчи тизимларнинг элементлари ва қурилмаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмлари» (05.01.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кузатув тизимининг характеристикаси яхшиланганда синтезланаётган тизимнинг функционал имкониятлари кенгайишини таъминловчи қайта қуриш усулини ишлаб чиқилган;

фазаланган антенна решеткасининг нуруни бир турғун ҳолатдан бошқасига тезкор ўтказиш масаласини ишлаб чиқилган;

кузатувнинг ноли ўрнатилган хатолигига эга бошқаришнинг кузатув тизимини қуришга имкон берадиган бурчак ўлчовчи кузатув қурилмасини ишлаб чиқилган;

кузатув тизимини бошқаришнинг янада юқори сифатини таъминловчи синтезини ишлаб чиқилган.



МУХАМЕДИЕВА ДИЛДОРА КАБИЛОВНА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Колмогоров-Фишер типидagi биологик популяция чизиқсиз системасини сонли моделлаштириш» (05.01.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чизиқсиз парчаланиш алгоритмига асосланган кўп компонентали рақобатдош биологик популяция чизиқсиз модели учун автомодел ва тақрибий автомодел ечим олиш усуллари ишлаб чиқилган;

Колмогоров-Фишер типидagi параболик тенгламалар системаси билан ифодаланувчи кўп компонентали рақобатдош биологик популяция жараёни чизиқсиз математик моделининг янги хоссалари яратилган;

муҳит параметри ва фазо ўлчовига боғлиқ ҳолда кўп компонентали рақобатдош биологик популяция тенгламалар системасининг Коши масаласи ечими учун баҳолар олинган ва мос автомодел тенгламалар ечимларининг асимптотик ифодалари ишлаб чиқилган;

чизиқсиз парчалаш алгоритми асосида кўп компонентали рақобатдош биологик популяция масалаларини компьютерда ҳисоблаш учун зарур бўлган қуйи ва юқори ечимлари қуриш усуллари ишлаб чиқилган;

кўрилатган чизиқсиз Колмогоров-Фишер типидagi биологик популяция масаларини тез ва юқори аниқликда сонли ечим учун итерацион жараён ёрдамида сонли параметрларнинг қийматларига боғлиқ равишда етарли аниқликда ҳисоблашни таъминловчи мос бошланғич яқинлашишлар яратилган;

кўрилатган чизиқсиз математик моделлар учун уни сонли моделлаштиришни амалга оширувчи ҳисоблаш схемалари, алгоритмлар, фойдаланиши қулай бўлган дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган.



ШАРИПОВ ДАЛЕР КУЧКАРОВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Саноат ҳудудларида атмосферанинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва башоратлаш тизими моделлари ва алгоритмлари» (05.01.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер атмосфераси чегаравий қатламида зарарли моддалар тарқалиши жараёнининг математик модели доирасида янги: зарарли моддаларнинг атмосферада мавсумий ва суткалик циклда ютилиши, ҳаво оқими ва унинг пастки чегаравий сирти орасида дефляция зарралари билан алмашинуви ва жой орографияси омиллари киритилиб такомиллаштирилган;

жараённинг математик модели иқлимга оид аниқ маълумотлардан фойдаланиш, шамол тезлиги ва турбулент алмашинув коэффицентларининг баландликка қараб ўзгаришини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнини қаралаётган ҳудуд учун рухсат этилган юқори концентрациялари билан боғлиқ тарзда тавсифловчи тўғри ва тескари масалаларни ечим, янги саноат корхоналарини экологик жиҳатдан оптимал ўрнини аниқлаш имконини берувчи самарали сонли алгоритмлар ишлаб чиқилган;

зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнининг шамол тезлиги ва йўналиши, уларнинг сутка давомида ўзгариши, турбулент алмашинув коэффицентининг баландликка қараб, ҳаво оқими ва пастки чегара орасидаги зарарли моддалар билан алмашинув коэффиценти ўзгариши билан боғлиқ хусусиятлари аниқланган.

ШЕРНАЕВ АНВАР НОРМАМАТОВИЧ



Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Маҳаллий хомашёлар асосида антифрикцион композицион ёғоч-полимер материалларнинг самарали таркиби ва машинасозлик учун деталлар ишлаб чиқиш» (05.02.01, 02.00.07).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

композицияларнинг термопластик полимерлар, углеграфит тўлдирувчилар, турли қўшимчалар таркиби ва турига ҳамда ёғочни модификацияланган полимерлар билан зичлаш даражасига боғлиқ физик-механик хоссаларининг ўзгариш қону-

ниятлари аниқланган;

минерал ва углеграфит тўлдирувчиларни майдалаш усули билан маҳаллий ёғочлар – терак, тол ҳамда модификацияланган полимерлар асосида антифрикцион композицион ёғоч-полимер материаллар яратилган;

машинасозлик учун мўлжалланган антифрикцион-ейилишбардош композицион ёғоч-полимер материаллар яратишда тўлдирувчилар миқдорининг мақбул таркиби аниқланган;

антифрикцион композицион ёғоч-полимер материаллар компонентлари: полимер боғловчилар билан тўлдирувчилар заррачаларини дастлабки зич бирикиши ва кимёвий боғланиши исботланган;

ишлаб чиқилган композицион ёғоч-полимер материалларнинг юқори мустаҳкамликка эгалиги, ишқаланиш коэффицентининг кичиклиги, ейилишбардошлигининг юқорилиги ва Ўзбекистоннинг иқлим шароитларида қўллашда юқори ишончлиликка эга эканлиги аниқланган;

композицион ёғоч-полимер материаллар хоссаларига технологик ва эксплуатацион омилларнинг таъсири ҳамда улардан атроф-муҳитнинг юқори чанг шароитида ишлайдиган пахтани тозалаш машина ва механизмларининг ишчи органларида рационал фойдаланишнинг аниқ тавсиялари ишлаб чиқилган.

МАМАТОВА ДИЛРАБО АЛИШЕРОВНА



Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Пахтани майда чиқиндилардан тозалаш машиналарининг ишчи органлари ва юритмаларидаги тасмали узатмаларни ҳисоблаш усуллари» (05.02.03).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахтани майда чиқиндилардан тозалаш машинасининг ишчи органларини керакли ўзгарувчан тезлик ва тезланишларини таъминлайдиган тасмали узатма конструкцияси яратилган;

тасмали узатмани кинематик таҳлили асосида ҳаракат қонунлари ишлаб чиқилган;

тасма тармоқларида деформация ва ишқаланишларини ҳисоблаш методлари ишлаб чиқилган;

пахтани майда чиқиндилардан тозалаш машинасининг тасмали узатмаси, электр юритгич ва пахтанинг таъсирини инобатга олган ҳолда системани динамик ҳисоб методи ишлаб чиқилган.

ТЕМЕРБЕКОВА БАРНОХОН МАРАТОВНА



Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Информацион-бошқарув тизимларидаги ўлчаш ахборотларини ишончлилаштириш» (05.03.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

информацион-бошқарув тизимига ахборотларни киритиш босқичида ўлчаш ахборотларининг талаб этилган ишончлилигини ва яхлитлигини таъминлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ўлчаш каналларининг хатоликлари параметрлари орқали ўлчаш қурилмалар

хатоликларини аниқлаш услубиятини бириктирувчи кўп каналли аналитик асбоб хатоликлар усули ишлаб чиқилган;

ахборотлар ишончлилигини назорат қилишнинг информацион-бошқарув тизимида маълумотларнинг ортиқчалигига асосланган ва дастлабки назорат, алоқалар сатҳида ўзгартириш

ва назорат қилинадиган маълумотларнинг тўғриланган қийматларини ҳисоблаш каби дастурий блоklarдан ташкил топган алгоритм ишлаб чиқилган;

тезкор бошқариш ва тақвимли режалаштиришнинг талаб этилган вақти оралиғида кутилаётган қувватни аниқлаш учун ишлаб чиқаришнинг жорий қувватларини ҳисоблаш ва қурилмаларнинг ишлашини ҳисобга олиш ишончилигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳудудининг технологик қисмидаги жараёнлар турғунлигини ҳисоблашнинг ўлчаш натижаларини бирламчи қайта ишлаш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.



ДЖУРАЕВ АБДУЖАЛИЛ МАННАПОВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Полимер материаллар билан чарм буюмларини гидрофоблаш ва унинг эксплуатацион хоссалари» (05.06.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги ва маҳаллий бирикмалар асосида гидрофобловчи композицион материал яратилган;

чарм буюмларига пардоз бериш жараёнида тайёр маҳсулотни конформацион ўзгаришини ошириш ва табиий чармнинг структура тузилишини тартибга солиш имконини берувчи, юқори физик-механик хусусиятга, юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган янги гидрофобловчи композициялар яратилган;

дастлаб сув билан намланган чарм намуналари, кейинги жараёнларда дерма структураларидаги элементалар билан мустаҳкам боғларни ҳосил қилганлиги аниқланган;

рентгеноструктурали тадқиқот асосида гидрофобланган чарм намуналарда дифракцион максимум чўққиларини ўткирлиги ва чўққиларни кўплаб ҳосил бўлиши аморф фазадан кристаллик фазаларга ўтиши чармни структурасини яхшиланиш услуби ишлаб чиқилган.



АЗИЗОВ ШУХРАТ МАМАТОВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Икки аррали цилиндрли ресурстежамкор джинни тадқиқ ва жорий қилиш орқали тола сифатини сақлаш» (05.06.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аррали жинларда толани арра тишларидан чўткали барабан ва ҳаво ёрдамида ечиб олишни моделлаштиришнинг янги услуби ишлаб чиқилган;

тола сифатини баҳолашнинг статистик методи ва ҳар хил турдаги жинларда узун толалар чиқишини ўртача кўрсаткичини оширишнинг ва ишчи органлар

омиллари таҳлили орқали оптималлаштиришни аниқлаш методи ишлаб чиқилган;

аррани геометрик характеристикаси ва арралар орасидаги масофани ҳисобга олган ҳолда оптимал юкланиш миқдори ҳамда аррани ресурстежамкорлигини ошириш методологиясининг ҳисоб усули ишлаб чиқилган;

аррали цилиндрларни ейилишини, яроқсиз холга келишини бартараф этиш мақсадида, аррали цилиндрнинг вақт оралиғида кўндаланг кесими ва узунлиги бўйича эгилишини тебраниш қонунияти олинган; аналитик таҳлиллар орқали янги аррали жинлар ишчи қисмларини ресурстежамкорлик, энергиятежамкорлик ва тола сифатини сақлаган ҳолда самарадорликка таъсири аниқланган.



ТОҒАЕВ АНВАР АБДУСАЛОМОВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «О3 тоифали транспорт воситалари рама конструкциясининг параметрларини асослаш» (05.08.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автотрактор тиркамаси ва унинг рамаси конструкциясининг геометрик параметрлари асосланган;

автотрактор тиркамаси рамаси конструкциясининг мустаҳкамлик тавсифлари, бузилмаслик ва узоқ муддат ишлаш кўрсаткичларини ҳисоблаш услублари ишлаб

чиқилган;

элементлари турли хил маркали пўлат прокатлардан тайёрланган тиркамалар рамаси ресурсини ҳисоблаш формуласи тузатиш коэффициентини киритиш орқали такомиллаштирилган;

Вейбулл тақсимоти ва чарчаш эгри чизиғининг даражали тенгламаси асосида тиркама рамасини узоқ муддат ишлашини баҳоловчи формула такомиллаштирилган.



БЕКМИРЗАЕВ ДИЁРБЕК АБДУГАППОРОВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ер ости қувурларининг грунт билан мураккаб шароитли ўзаро таъсири сейсמודинамикаси» (05.09.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер ости қувурлари сейсמודинамикасида сонли тақрибий усулларнинг кенг қўлланилиши орқали ҳисоблаш услублари такомиллаштирилган;
«қувур–грунт» тизимида чизиқли ва чизиқсиз ўзаро таъсирни ҳисобга олиб бўйлама тебранишдаги ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

сейсмик юкланишлардаги тарқалган массали мураккаб тизимли ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

ортогонал ва ноортогонал шаклли ер ости қувурларининг ихтиёрий йўналган сейсмик юкланишлардаги кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган.



ТУРДИАЛИЕВ УМИД МУХТАРАЛИЕВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бентонит гиллари қўшимчаси билан модификациялаштирилган аммиакли селитра олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (02.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бентонит гилларининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш натижалари орқали уларни аммиакли селитрага модификатор сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган;

аммоний нитрати суюқланмасига дастлабки намлиги 1,0% бўлган бентонит гилларини АС : БГ = 100 : (1-1,5) нисбатда қўшиш аммиакли селитра (АС) доналар ёпишқоқлигини брусит ва магнетит каби импорт қўшимчаларида олинган селитрага нисбатан 2–3 баробар камайиши, доналар мустаҳкамлиги эса 1,5–2 баробар ортиши аниқланган;

бентонит гили қўшимчаси селитра ғовакчалари ва микроёриқларини тўлдириши, натижада селитра доналарининг анча такомиллашган ички тузилиши ва юзасини ҳосил қилиши, шу орқали доналар мустаҳкамлигини ошириши ва уларнинг ғоваклигини камайтириши исботланган;

бентонит қўшилган селитра суюқланмасини совитишда тоза селитрадан фарқли улароқ III фазага ўтмасдан тўғридан-тўғри IV@II га полиморф ўтиши ҳароратнинг ўзгаришида (25-55°C) маҳсулотни сақлаш ва ташишда унинг АС доналари бузилмасдан барқарор қолишини таъминлаши аниқланган.



ВАФАЕВ ОЙБЕК ШУКУРЛАЕВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Янги самарали депрессор присадкаларни синтез қилишнинг илмий асосларини яратиш ва уларни нефть маҳсулотлари хусусиятларини модификациялашда қўллаш» (02.00.14).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи полиэтилентерефталат ва кўп атомли спиртлар асосида гидроксил сақловчи полиэфирлар ва уларга ёғ кислоталари таъсирида мураккаб эфир боғлари ва узун углеводород радикали $C_{12}-C_{18}$ мавжуд бўлган олигомерлар олишнингикки босқичли усули яратилган;

олинган олигомерларни синтез жараёнига таъсир этувчи факторларининг (ҳарорат, концентрация, давомийлиги, моддалар табиати) оптимал технологик шароитлари аниқланган;

яратилган депрессор қўшимчаларнинг дизель ёқилғиси қотиш ҳарорати – минус $-10^{\circ}C$ дан минус $-35^{\circ}C$ гачаошиши асосланган;

иккиламчи полиэтилентерефталат ва кўп атомли спиртлар асосида депрессор қўшимчалар олиш технологияси ишлаб чиқилган.



АБДУЛЛАЕВА САДОКАТ ШОНАЗАРОВНА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Илдиз меваларни бир зумда босимни тушуриш усулида тозалаш ва майдалашда намсизлантириш» (02.00.16).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ББЗТУда хомашё тозалаш даражаси кўпроқ, унинг дастлабки намлиги U, ўткир буғнинг ортиқча нисбий босими P/P₀ га боғлиқ, хомашё эквивалент диаметри ва ифлосланганлиги эса тозалаш жараёни самарадорлигига таъсир этмайди, аппаратнинг тўлдириш коэффициентининг эса деярли таъсири йўқлиги аниқланган; ўткир буғнинг нисбий босими P/P₀–2,4 дан 4 гача ортганда пюрэ тайёрлаш жараёнининг самарадорлиги илдиз меванинг турига қараб 4–5 марта ошиши аниқланган;

қайта ишланаётган объектларни тозалаш ва майдалашда бир вақтни ўзида намсизлантириш жараёни ҳам бориши аниқланган;

паротермик жараёнига нисбатан ББЗТУ билан илдиз меваларни тозалаш жараёнида 7–20% жадаллаштирилган;

ББЗТУ ёрдамида майдалаш ва пюрэ олишни илдиз меваларнинг эквивалент диаметрига боғлиқлигининг самарадорлик чегараси аниқланган;

хомашёни кам йўқотилишлар билан самарадор тозалаш механизмини очиб берувчи ББЗТУда тозалаш жараёнининг физик модели яратилган;

илдиз меваларни тозалаш ва улардан пюрэ олишга мўлжалланган ББЗТ аппаратларини ҳисоблашнинг муҳандислик методикаси ишлаб чиқилган.



БАЛТАБАЕВ УЛУҒБЕК НАРБАЕВИЧ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Омихта ем ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш» (02.00.17).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

озиқ-овқат саноати чиқиндиларининг физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллиги асосида йирик шохли қорамоллар учун омихта емнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

йирик шохли қорамоллар учун озукавий ва микроминерал қимматлилик нормасини сақлаган ҳолда омихта ем сарф-харажатларининг пасайтирилиши асосланган;

арпа дони ресурслари тежалган, омихта емнинг микробиологик сифати оширилган ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ҳисобига экологик ҳолатни яхшиланишининг ва чорвачилик маҳсулотларининг миқдори, сифати, хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

йирик шохли қорамоллар учун таркибида 75 озуқа бирлиги, 14-14,5% хом протеин, 10,0-13,5% хом клетчатка, 4,0-4,7% хом ёғ, 3,8-4,1% пектин моддаси бўлган ем тайёрлаш имконини берувчи технологик жараён такомиллаштирилган.



КАРАБАЕВ ИКРАМЖАН ТУРАЕВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Тупроққа ишлов бериш агротехнологиясини такрорий экинларнинг ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш» (06.01.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор типик бўз тупроқлар шароитида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда пуштани 8–10 см чуқурликда культивация ёрдамида юза ишлов бериб юмшатиш билан бирга, бир йўла соя, мош ва маккажўхори уруғларини экиш усуллари яратилган;

такрорий экин экиладиган майдонларга берилган юза ишлов экиш билан бирга ўтказилганда, экин майдонларига тракторни 3–4 маротаба кам кириши натижасида тупроқнинг макродондорлиги, ҳажм массаси ва ғоваклиги яхшиланиши аниқланган;

ресурстежамкор янги усул билан ерга (8–10 чуқурликда) юза ишлов бериш ҳисобига такрорий экинларни экиш муддати 7–10 кунга эрта бўлиб, экинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаши яхшилланган;

ерга ресурстежамкор, минимал усулда юза ишлов бериш натижасида тупроқ унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи камайиши аниқланган.



АВЛИЯКУЛОВ МИРЗОЛИМ АВАЗОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлардан йил давомида самарали фойдаланишда экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси» (06.01.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жанубий минтақаларнинг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ердан самарали фойдаланиш натижасида ўрта, ингичка толали ғўза, кузги буғдой, арпа, маккажўхори, кечки оқбош карам, пиёз навларидан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси элементлари ишлаб чиқилган;

тақирсимон тупроқлардан йил давомида фойдаланишни тупроқнинг агрофизик хоссалари, сизоб сувлари сатҳи жойлашуви, минерализацияси ва мавсумий туз тўпланиш коэффициентига таъсири аниқланган;

ердан йил давомида узлуксиз фойдаланишда мақбул тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, давомийлиги, мавсумий сув сарфи ва 1 центнер ҳосил учун сарфланган сув меъёри, сув истеъмоли кўрсаткичлари аниқланган;

кўрсатилган тупроқ шароитида қишлоқ хўжалик экинларини мақбул суғориш ва озиклантириш тартибларининг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, бир дона кўсақдаги пахта, 1000 дона дон оғирлиги ва 1 дона карам, пиёз бошлари вазнига таъсири аниқланган.



ҚЎЗИЕВ ЖАХОНГИР МАДАМИНОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Қашқадарё ҳавзаси бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган бўз тупроқларининг агрокимёвий ҳолатини яхшилаш» (06.01.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё ҳавзаси бўз тупроқлар минтақасида тарқалган асосий суғориладиган тупроқларининг макро- ва микроэлементлари билан таъминланганлик даражаси аниқланган;

бўз тупроқлар минтақасида қўлланилган минерал ва маҳаллий ўғитларни мониторинги асосида парваришланган ғўза ва кузги буғдой таркибидаги озуқа элементлар миқдори бир-бири билан қиёсланиб, озуқа элементлар баланси ишлаб чиқилган;

бўз тупроқлар минтақаси асосий суғориладиган тупроқларини агрокимёвий маълумотлар базаси ва агрохимкартограмма тузиш технологияси такомиллаштирилган;

«тупроқ-ўсимлик-ўғит» тизими асосида озуқа элементлар мақбул меъёрини ҳисоблаш электрон дастури ишлаб чиқилган.



МАРДАНОВ ҲУСНИДДИН ХОЛБАЗАРОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзанинг селекцион-генетик ашёларини гармселга бардошлигини баҳолаш ва амалий селекцияга тавсия этиш» (06.01.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор районлашган, истиқболли ва янги ғўза навлари ҳамда тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларига гармселнинг салбий таъсири уларнинг генотипига боғлиқ равишда юз бериши аниқланган;

гармсел ва юқори ҳарорат ғўза навларида ҳосил шоҳлари ва кўсақлар сонининг камайиши, бош поя ўсишининг секинлашиши ҳамда ҳосилдорлик каби белгиларга салбий таъсир кўрсатиши билан бир вақтда навларнинг ирсий жиҳатдан эрта, ўрта ва кечпишарлигига боғлиқ равишда ўсимликларнинг нисбатан тез «қариши»га, яъни пишишини 2–7 кунгача жадаллашишига олиб келиш сабаблари аниқланган;

ғўза навлари ва тизмаларининг миқдорий кўрсаткичларига гармселнинг салбий таъсири «гуллаш-кўсақлаш» фазасида нисбатан юқори бўлиши, бир дона кўсақдаги пахта вазнига ўсимликнинг ўрта ва юқори ярусларида кучли бўлиши аниқланган;

гармселга мойил минтақаларда етиштирилган Истиқлол-14 ғўза навида гармсел, ўта қуруқ ва юқори ҳарорат таъсирида «гуллаш-кўсақлаш» даври жадаллашиши, яъни навнинг «яширин» ирсий имкониятлари намоеън бўлиши натижасида «50% униб чиқиш– 50% пишиш даври» тезлашиши аниқланган.

қимматли-хўжалик белгиларнинг мажмуаси бўйича гармсел шароитига бардошлиликни намоеън этган ғўза навларидан гармселга бардошли ғўза навлари борасидаги селекцион-генетик изланишларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

гармсел шароитида 90-100 минг туп/га. қўчат қалинлиги ва 1-2-1 тизимида суғориш орқали эртапишар, гармселга ирсий жиҳатдан бардошли бўлган Истиқлол-14 ғўза навидан ҳосил элементларининг кўп сақланиб қолиши эвазига юқори ҳосил (40,0 ц/га) олиш мумкинлиги тасдиқланган.



ХОНКУЛОВ ХУСНИДДИН ХОЛИКУЛОВИЧ

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Картошка уруғлик туганакларини экишга тайёрлаш технологиясини такомиллаш-тириш» (06.01.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқ ва ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида картошка уруғлик туганакларини экиш олдидан турли ўстирувчи стимуляторларни қўллаш технологиялари ишлаб чиқилган; стимуляторларни қўллашнинг тезпишар ва ўрта тезпишар картошка навлари туганаклари дала унувчанлиги, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг шаклланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири аниқланган;

картошка навлари уруғлик туганакларини экиш олди ўстирувчи стимуляторлар билан ишлаб, ўсимликка ўсув даврида ўстирувчи моддаларни қўллашнинг палак ва туганак ҳосили шаклланиши ҳамда ҳосилдорликка таъсири аниқланган;

уруғлик туганакларни экиш олди тайёрлашнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилган.



САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК БАХТИЁРОВИЧ

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши» (07.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даврида Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, унинг принциплари, назарий-концептуал, илмий асослари ва стратегик устувор йўналишлари тарихий ракурсда тизимли тарзда очиб берилган;

Ўзбекистон Республикаси томонидан мамлакат ташқи сиёсатини фаол амалга оширишда парламент дипломатияси, иқтисодий дипломатия, минтақавий дипломатия каби дипломатик воситалардан самарали фойдаланилганлиги аниқланган;

мамлакатда дипломатик кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши таълим тизимида ўтказилган ислохотлар билан узвий тарзда кўриб чиқилган ҳамда бу борада мавжуд муаммолар очиб берилган;

Марказий Осиёда минтақавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ташаббуслар, минтақада ядродан холи маконни шакллантириш бўйича Ўзбекистоннинг дипломатик ёндашувлари тарихий жиҳатдан аниқланган.



САГДИЕВ ХАБИБУЛЛО ЁДГОРОВИЧ

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Абу Жаъфар Таҳовийнинг «Ақида» асари ва унинг шарҳлари – ҳанафийлик таълимотига оид манба» (07.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳанафийликнинг мўътадил таълимот сифатида диний бағрикенглик ва мутаассибликдан холи тамойиллари таъсирида Абу Жаъфар Таҳовийнинг шофиъийликдан ҳанафийлик мазҳабига ўтиш сабаблари очиб берилган;

Абу Жаъфар Таҳовий ва Абу Мансур Мотуридийларнинг ҳанафийлик эътиқодига оид масалаларни баён қилишдаги ўзига хос қарашлари қиёсий асосда очиб берилган;

Таҳовий «Ақида» асари қўлёзма нусхаларининг кодикологик таҳлили натижасида XV асрда эски ўзбек тилига таржима қилинган манбаси илк бор аниқланган;

«аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа» вакиллари орасида имоннинг шартлари борасидаги баҳслар «Ақида» асарига ёзилган шарҳлар орқали «лафзий» эканлиги исботланган.



МУМИНОВА НАРГИЗА МАХСУДЖОНОВНА

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш» (08.00.11).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик маҳсулотлари маркетингида миллий ва халқаро бозорлардаги талабни шакллантириш ҳамда сотишни рағбатлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий усуллари асосланган механизми таклиф этилган; халқаро бозорларда тармоқ маҳсулотларига барқарор талабни шакллантириш ва ишончли харидорларни мақбул сегментини яратиш мақсадида «директ маркетинг» услубиёти такомиллаштирилган;

тўқимачилик маҳсулотларини сотишни янада рағбатлантириш мақсадида уларнинг истеъмол даражасини баҳолашчи мезонлар ҳамда «медиярежалаштириш» тизими такомиллаштирилган;

эконометрик тренд модели асосида тўқимачилик маҳсулотлари мақсадли халқаро бозорларини сегментлаш улушининг истиқболли ривожлантириш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

МАДАЛИЕВ АБДУЛЛА АХМЕДОВИЧ

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш» (08.00.13).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, бунда инсон омилининг яхлит ҳолатдаги таркибий-ташкилий тузилмаси, фаоллик даражасини баҳолаш стандарт-ташхис мезонлари, ходимларнинг меҳнат жараёнидаги фаоллигини баҳолаш усул ва моделлари илгари сурилган;

ишлаб чиқилган инсон омили фаоллик даражасини баҳолаш коэффициенти, инсон капиталини баҳолашнинг мавжуд механизмларини такомиллаштиришда фойдаланиш тамойили таклиф қилинган;

инсон омилини фаоллаштиришнинг муҳим жиҳати сифатида қишлоқ хўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ўзаро манфаатли интеграцияга киришиш модели ва уни амалга оширишда аграр секторни комплекс ривожлантириш жамоатчилик бошқарувининг тузилмаси ишлаб чиқилган.

БАХРАНОВ ЛАЗИЗЖОН ЭРКИНОВИЧ

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бадий танқидчиликнинг илмий-рационал жиҳатлари ва унинг тасвирий санъатдаги инъикоси» (09.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сингармонистика (жамият ва ижодкор мақсадларининг уйғунлиги) билан тасвирий санъат полистилистикаси ўртасидаги алоқадорлик ва ҳамкорликнинг жамият ижтимоий-маънавий тараққиётига таъсири очиб берилган;

тасвирий санъат асарини баҳолашнинг триада – борлиқ–мусаввир–реципиент учлик тизимида жамият киритилиб, борлиқ – мусаввир–реципиент–жамият – тетра тўртлик тизими ишлаб чиқилган;

миллий матбуот ва бадий танқидчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тамойиллари (объективлик, танқид этикаси), бадий танқидчиликнинг полистилистик асослари ва функционал хусусиятлари ишлаб чиқилган;

ҳар бир реципиент, бутун социум, жамият бадий танқидчи ролини бажариши мумкинлиги, бу борада ижтимоий фикр катта аҳамиятга эгаллиги, бадий танқидчиликнинг баҳоси, таҳлили ижтимоий фикр билан бойитилиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.



МАВЛОНОВ ЖУРАБЕК ЁРҚУЛ ЎҒЛИ

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурснинг асосий йўналишлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» (09.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор «фуқаролик жамиятига оид концептуал дискурс», «фуқаролик жамиятининг ахборот парадигмаси» тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари очиб берилган;

фуқаролик жамиятига оид концептуал дискурс доирасидаги замонавий ижтимоий-фалсафий ғоя ва қарашларга доир глобаллашув ва ахборотлашув парадигмалари ишлаб чиқилган;

норматив-меъёрий ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш, фуқароларнинг демократик тафаккурини юксалтириш, ижтимоий муносабатлар тизимидаги муаммолар мониторингини ўтказиш тўғрисидаги фалсафий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини оптималлаштиришга оид инновацион механизмлар (замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги меморандумлар тузиш, аҳоли билан ишлаш PR-технологияларини жорий қилиш) ишлаб чиқилган.



ТАШАНОВ АБДУХОЛИҚ ДАЙНОВИЧ

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга салбий таъсири» (09.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бузғунчи ғояларнинг турлари, таснифлари, мезонлари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, категориал асосларини аниқлашга қаратилган янги услубий восита (бузғунчи ғояларнинг объекти, субъекти, мақсади, вазифаси, замон ва макони, сабаб ва оқибати, функцияси асосида) ишлаб чиқилган;

мафкуравий майдондаги бутун ҳодисалар тизими, агент (ғоя ташувчи) ҳамда контрагент (қарши курашувчи)ларнинг ижтимоий воқеликни идрок этиш ва баҳолаш муносабатлари очиб берилган;

мафкуравий майдоннинг ички динамикаси тамойиллари (даражаланиш, ўлчамлар, ўзгаришлар), унда амалга ошириладиган ғоя ва мафкураларнинг сегментацияси (ажратилиши), аккумуляцияси (қўшилиши), сегрегацияси (парчаланиши) асослаб берилган;

бузғунчи ғояларнинг миллий ўзликни англашга таъсири борасидаги ташкилий парадигмадаги ўзгаришлар тизими, умумтамаддун ва миллийлик муносабатларидаги барқарорликни издан чиқарувчи, ўзгартирувчи омилларнинг (тарихий яратувчанлик, тамаддун танлови) объектив қонуниятлари (ўзгаришлар, таҳдидларнинг муқаррарлиги) ва субъектив қонуниятлари (миллий ментал хусусиятлар) нисбати очиб берилган.



ЯЗДОНОВ УЛУҒБЕК ТОШМУРОТОВИЧ

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Глобаллашув шароитида жамоатчилик фикрини шакллантириш институтларининг функционал интеграциялашув хусусиятлари» (09.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ўртасидаги корреляцион алоқадорлик (миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикаси) асосланган;

жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир этувчи омиллар математик моделлаштирилиб: «корреляция», « χ^2 мезони», «интеграл баҳолаш», «рентабеллик даражаси»ни қўллашнинг самарадорлиги (алоҳида омилларининг аҳамиятлилик коэффициенти, ўзгариши ва боғлиқлик кучи) исботланган;

жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва истиқболларини прогнозлаштиришга жавобгар институтлар фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилиш методологиясини (миллий ментал, индивидуал-корпоратив хусусиятларига дифференциал ёндашув) такомиллаштиришга доир тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.



АНДАНИЯЗОВА ДИЛРАБО РЎЗИҚУЛОВНА

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси» (10.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ономастик бирликларнинг бадий матнда муайян объект номини атаб келиш билан бирга ижодкорнинг турли бадий ниятларига ҳам хизмат қилиши аниқланган; ономапоэтикада турли шаклларда қўлланилаётган терминларни тартибга солиш юзасидан аниқ хулосалар илгари сурилган ҳамда мазкур соҳанинг терминологик

аппарати шакллантирилган;

ўзбек тилшунослигида илк марта ономастик бирликлар лингвопоэтикасининг тадқиқи билан боғлиқ «поэтоним», «антропоэтоним», «топопоэтоним», «зоопоэтоним», «ономастик метафора», «сўзловчи ном» каби терминларнинг моҳияти ёритиб берилган;

антропоним ва топонимларнинг ономастик метафора, аллюзив ном, «сўзловчи ном» каби лингвопоэтик вазибалари аниқланган;

ономастик бирликларда ўзбек миллати менталитетига хос жиҳатлар, унинг тафаккур тарзи ўз аксини топиши фактик материаллар асосида далилланган;

метафоранинг ономастик бирликлар воситасида ҳосил бўлувчи кўриниши – ономастик метафоранинг ўзбек тилидаги бадий матнларда лингвопоэтик восита сифатида воқеланиши мисоллар асосида очиб берилган;

аллюзив ва «сўзловчи ном»ларнинг бадий матндаги ўрни ва аҳамияти асосланган.

АСАДОВ МАҚСУД ҲУСЕНОВИЧ

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик қаҳрамон характери» (10.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

риндона шеърларнинг тараққиёт тамойиллари, образлар тизими, ғоявий-бадий хусусиятлари, тасвир кўлами, ифода усули ва лирик қаҳрамон характери очиб берилган;

риндона шеърларнинг юзага келишида Шарқ халқларининг диний-мифологик тушунчалари, ижтимоий-маиший турмуш маданияти, урф-одат ва маросимлари, уларнинг бадий ижоддаги аҳамияти ҳамда эстетик хусусиятлари исботланган;

қадимги араб ва форс-тожик шеърлятидаги хамриятларнинг ўзбек мумтоз адабиётида риндона шеърлар такомилидаги мавқеи аниқланган;

Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, туркий шеърлятда XV асрнинг I ярмига қадар яратилган риндона мазмундаги алоҳида мисра, байт ва шеърларнинг бадий ўзига хослиги далилланган;

риндона шеърларнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ифода имкониятлари, образ ва тимсоллар олами, тарихий ва бадий хусусиятлари асосланган;

риндона шеърларнинг ўзбек мумтоз шеърлятида фаоллашув миқёси ва даражасининг ижтимоий сабаблари, эстетик мезонлари очиб берилган;

лирик қаҳрамон дунёқараш, маънавий-ахлоқий қиёфасининг риндона шеърларнинг мазмун-моҳияти, поэтик табиати, бадий тасвир принциплари билан боғлиқлиги асосланган.

ИМАМОВА ХОЛИДА КАМАЛОВНА

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Турк тилида ҳурмат категорияси» (10.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турк тилида ҳурматни ифодаловчи лексик-семантик, морфологик, синтактик воситалар ва уларнинг услубий хусусиятлари бадий асарлар, сўзлашув услуби, расмий ҳужжатлар асосида ҳурматнинг алоҳида категория эканлиги исботланган; ҳурмат ифодаловчи бошқа грамматик вазифадаги (нокатегориал) бирликлар ажратилган, уларнинг семантик-стилистик, функционал ҳурмат ифодалаш асос-

ланган;

ҳурмат маъносини ифодаловчи лексемаларнинг семантик тараққиёти, семалари ажратилиб, бадий асарларда ҳурмат ифодаловчи янги маънолар аниқланган, олмошларнинг маъно зидлигини таъминловчи стилистик жиҳатлари очилган ҳамда қариндош-уруғчилик атамаларидаги ҳурмат маъноси турк тилининг бошқа тиллар билан ўзаро ўхшаш томонлари далиллаб берилган;

ҳурмат ифодалашнинг синтактик воситалари, ундолма, киритма конструкциялар орқали бе-

рилиши исботланган;

хурматнинг синтактик воситалар орқали пресуппозиция асосида реаллашуви мақолларнинг семантик, структур жиҳатлари таҳлили мисолида далилланган.

МУСТАФАЕВА САМИДА ТОШМУХАММЕДОВНА



Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Хитой тилшунослик терминологияси» (10.00.05).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хитой тилшунослик терминлари тизими шарқшуносликда илк маротаба монографик планда тадқиқ этилган, терминлар тадрижий тараққиётининг тарихий босқичлари далилланган;

хитой тилшунослик терминларининг деривацион тамойиллари, синтактик, аффиксал усулда ясалиши аниқланган ва тилшунослик терминларининг структур типлари, уларнинг миқдорий кўрсаткичи асослаб берилган;

хитой тилшунослик терминларининг ҳозирги ҳолати, соҳа терминологиясининг анъанавий хитой тилшунослиги терминларини қайта тиклаш, қолаверса, морфологик ва синтактик йўллар билан янги терминларни яшаш каби ички ва семантик, фонетик калькалар, японизмларни ўзлаштириш сингари ташқи омиллар ҳисобига бойиш йўллари исботланган;

тилшунослик терминологиясида синонимия, полисемия, омонимиянинг термин қўллаш ва уларни бошқа тилларга таржима қилишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар далилланган;

хитой тилшунослик терминларини тартибга солиш, терминларнинг ўзбек тилига таржималаридаги муаммоларни бартараф этиш бўйича терминларни сўзма-сўз таржима қилишдан қочиш, терминларни таржима қилишда билвосита таржимага йўл қўймаслик, ўзбек тилида мутаносиби бор терминларни шу муқобили воситасида бериш каби тавсиялар ишлаб чиқилган.

КАДИРБЕКАВА ДУРДОНА ХИКМАТУЛЛАЕВНА



Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари» (10.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари асосида мавзуй гуруҳлари далиллаб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид терминларнинг структуравий хусусиятлари очиб берилган ва ҳар икки тилдаги терминларнинг деривацион хусусиятлари асослаб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид терминларнинг синонимик ва антонимик муносабатлари аниқланган ҳамда тиллараро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари исботланган;

инглиз тили ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси асосида ўзбек тилида айни соҳа терминларини уйғунлаштириш ҳамда икки тилли терминлар луғатини тузишнинг услубий ёндашуви такомиллаштирилган.

ЮЛДАШЕВ АКМАЛ ГУЛАМЖАНОВИЧ



Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)» (10.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларнинг структур-семантикасида идиоматиклик ҳодисаси чоғиштирма аспектда илмий асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал белгиси деривацион хусусиятлари билан алоқадорлиги исботланган;

концептуал метафора, концептуал метонимия ҳамда метафтонимия идиоматик қўшма сўзлар ясалишининг когнитив механизмлари эканлиги далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг когнитив моделлари манба, восита ва мақсад майдон тамойилида ишлаб чиқилган;

оламнинг лисоний манзарасини акс эттиришда инглиз ва ўзбек тилларидаги идиоматик қўшма сўзларнинг универсал ва уникал жиҳатлари далилланган.



РЎЗИЕВА МОҲИЧЕХРА ЁҚУБОВНА

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбек халқ қўшиқларида ранг символикаси» (10.00.08).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ранг билан боғлиқ рамзийликларнинг келиб чиқиш асослари қадимги мифологик тасаввур-тушунчалар, диний-эътиқодий қарашлар, маросим, урф-одат ва табулар билан алоқадорлиги аниқланган;

ўзбек халқ қўшиқларида ранглар орқали ҳаёт воқеликлари, инсон руҳий кечинмалари, замон ва маконга, маросим ва рақамларга, иримларга муносабат очиб берилган;

рилган;

ранглар билан боғлиқ рамзийликларнинг турлича намоён бўлиши, ҳар бир рангнинг ўзига хос бадиий-эстетик моҳият касб этиши, лирик қонуниятлар, муайян ҳаётий ва бадиий-эстетик омиллар воситасида образлантирилиши исботланган;

ранг билан боғлиқ рамзий образлар аниқланиб, уларни образлантиришда қўлланидиган лингвопоэтик воситалар тасниф қилинган;

ранг рамзийликларининг ёзма адабиётдаги ранг рамзийликларидан маъно-моҳиятига кўра фарқли ҳамда муштарак хусусиятлари аниқлаштириб берилган;

ўзбек фольклоршунослигида илк маротаба ранг билан алоқадор рамзий образларни тадқиқ этишда руҳий таҳлил методи кенг қўлланилиб, инсон онг ости кечинмаларини бадиий образ ва тимсоллар тарзида ифодалашнинг бадиий-эстетик тамойиллари аниқланган.

ҚУРБОНОВ ШУХРАТ БЕКМЕТОВИЧ

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистон қишлоқ туманлари ривожланишининг иқтисодий географик хусусиятлари» (11.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ туманларини йирик масшабли иқтисодий-географик тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган;

қишлоқ туманларининг иқтисодий-географик салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш даражасини аниқлаш методикаси таклиф қилинган индикатор ва

индекслар мажмуи асосида такомиллаштирилган;

республика қишлоқ туманларида турли табиий географик шароитларда вужудга келган қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг жойлашув шакллари аниқланган;

Ўзбекистон қишлоқ туманларининг иқтисодий фаоллигини аниқлаш мезонлари ва уни ҳисоблаш усули асосланган;

қишлоқ туманлари ва уларнинг маъмурий марказларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

АРИПДЖАНОВА АЛЬФИЯ РАВИЛЪЕВНА

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш» (13.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагог кадрларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг репродуктив даражасининг мотивацион, ҳиссий-эмоционал, коммуникатив ва продуктив даражасининг алтруистик, аналитик, конструктив ва инновацион компонентлари ўз-ўзини баҳолаш ва индивидуал ривожлантирувчи ауто-психологик тренинглар

мажмуини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

педагог кадрларнинг креатив салоҳиятини адекват баҳолаш методикасининг информацион дунёқараш, информацион йўналганлик ва янги ахборотларни ўзлаштиришга тайёргарлик компонентлари факторли таҳлил ҳамда статистик аҳамиятини аниқлаштириш орқали такомиллаштирилган;

педагог кадрларнинг креатив салоҳиятини шакллантиришнинг фанлараро модулли тизими рефлексив ва виртуал таълим технологияларини интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрларнинг креатив салоҳиятини шакллантиришда мустақил ижодий фаолиятни ташкил этиш ва тажрибани таҳлил қилиш орқали ҳаракатлар дастурини яратишга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.





АХМЕДОВА НАСИБА КОБИЛЖОНОВНА

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш» (13.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаб раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда мактаб фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи асосий йўналишлар лойиҳаси ишлаб чиқилган;

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти асосий йўналишлари хусусиятлари ҳамда уларнинг амалий аҳамияти асосида мактаб регламенти ва унинг структураси ишлаб чиқилган;

УЎТМ регламенти асосида амалдаги мактаб ички тартиб-қоидалари ва унинг структураси такомиллаштирилган;

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари ишлаб чиқилган;

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари инновацион тузилишга эга бўлган мураккаб педагогик тизим сифатида лойиҳалаштирилган;

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари инновацион ёндашувлар асосида моделлаштирилган.



САБИРОВА ГУЛНОЗА САДИКОВНА

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси» (13.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лингвистик корпус, блог-технология, веб-квест, лисоний мультимедиа дастурларининг олмошларни қўллаш билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришдаги дидактик хусусиятлари ва методик функциялари аниқланган;

ўқувчиларга инглиз тилидаги олмошларни лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар асосида ўргатиш методикаси ишлаб чиқилган;

лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар орқали олмошларни рецептив ва продуктив қўллаш кўникмалари аниқланган;

лингвистик корпус, лисоний мультимедиа дастурлари, блог-технология ва веб-квестлар асосида олмошларни тўғри қўллаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган рецептив ва репродуктив машқлар ишлаб чиқилган.

ТАЖИБАЕВ СОЙИБ САМИЖОНОВИЧ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси» (13.00.04).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11–13 ёшли боксчиларнинг спорт тўғарақларини ташлаб кетиш сабаблари ва спорт билан шуғулланишга бўлган мотивацияси аниқланган;

ёш боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш дастури ишлаб чиқилди ва бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг умумий, махсус жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишининг ёшга хос динамикаси аниқланди;

ҳаракатли ўйинлар ва бокс спортига хос ҳаракат фаолиятлари биокинематикаси ўзаро таққосланиб, ҳаракатларнинг ўхшашлиги аниқланган;

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилди ва уларнинг шиддати, ҳажми, меъёрлари аниқланиб, уларни ўқув-машғуллотлар жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилган.



ШОЙМАРДОНОВ ТУЙМУРОД ТУРДИАЛИЕВИЧ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Педагог кадрлар малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими» (13.00.06).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари мониторингини амалга ошириш ва ўқув-методик ахборотларни тизимлаштириш ҳамда интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган электрон методик тизимнинг мазмуни ва ташкилий тузилмаси яратилган;

педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантирувчи омил сифатида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган мониторинг тизими мазмуни, таркибий ташкил этувчилари ишлаб чиқилган;

педагог кадрларнинг касбий компетентлик даражасини аниқлаштириш ва башоратлаш, унинг ривожланиш динамикасини доимий кузатиб бориш имкониятини берувчи методик ёндашув жорий этилган;

педагог кадрларнинг касбий фаолият мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган ва таълим ресурсларини ўзида мужассамлаштирган портфолио тизими ишлаб чиқилган ҳамда педагогнинг касбий фаолияти мониторингининг таркибий қисми сифатида шакллантирилган;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда унинг сифатини таъминлашнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари педагог кадрларнинг касбий фаолиятини оптималлаштирувчи ва уларнинг компетентлигини ривожлантирувчи яхлит педагогик тизим сифатида таклиф этилган.



ХОДЖАЕВА НОЗИМА ХАЙРУЛЛАЕВНА

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Биологик объектларга нейтрон-эгаллаб олиш терапияси таъсирини ўрганиш» (14.00.19).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ядро физикаси институти базасида НЭТ ўтказиш учун шарт-шароитлар (нурлаш учун қутисимон иншоот, фиксатор контейнер, кўтариш қурилмаси) яратилган; бирламчи ўсма ўчоғига Ядро физикаси институти реактори нейтрон боғлами таъсири учун НЭТни ўтказиш параметрлари ва методикаси аниқланган;

нурланаётган объектга (тажриба сичқон ва каламушлари) нисбатан нейтрон боғламини ўз фазовий маҳаллийлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилган, жумладан фойдаланилаётган нейтрон боғлами апертурасига боғлиқ тарзда, гамма ва нейтрон нурларнинг реактор каналидан дозали тақсимланиши ўлчанган;

ўсма ичига восита юборишда магневистнинг фармококинетикаси ўрганилган ва бу нурланишгача ушбу воситанинг юборилиш вақтини аниқлаш имконини берган;

ўрганилган Магневист воситасини ўсма ичига юборишда НЭТнинг ўсмага қарши фаоллиги ўрганилган.

УСМАНОВА ЗАХРО АБДУВАЛИЕВНА

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Каротид атеросклерози динамикасини баҳолашда нотурғун атеросклеротик пилакча маркерлари» (14.00.25).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

матрикс металлопротеиназалари (ММП), унинг тўқима ингибитори (ТИМП) миқдори ва брахиоцефал артерияларнинг калла суягидан ташқари бўлимларини рангли дуплекс сканерлаш кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик исботланган;

ММП миқдори ва каротид атеросклерози оғирлиги орасидаги корреляцион мутаносиблик ҳамда ММП ва уларнинг ингибиторлари миқдорининг уйқу артериялари атеросклеротик пилакчалари (АСП) нотурғунлигига боғлиқлиги исботланган;

ММП-9 ва ТИМП-1 ҳамда АСП соҳасидаги томир ремоделланиши кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик асосланган.





АРИПОВ ШУХРАТ ТУЛКИНОВИЧ

Фармацевтика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Иккинчи тип қандли диабет касаллигида қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланишга фармакоиктисодий ёндашув» (15.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дори-дармон воситаларидан оқилона ва самарасиз фойдаланишнинг муқобил мезонлари, касалликни дори воситалари билан даволашнинг асосий тамоиллари, номенклатураси ҳамда уларни фармакоиктисодий баҳолашнинг самарадорлигини асослашга йўналтирилган кўрсаткичлари аниқланган ва шакллантирилган;

иккинчи тип қандли диабет касаллигининг республика маъмурий-ҳудудий минтақалари бўйича касалланиш ва тарқалиш кўрсаткичлари ҳамда дори воситаларининг ассортиментини кон-тент-таҳлил қилинган;

иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмол ҳолатини бир суткада 1000 аҳолига нисбатан DDD ўртача суткалик қўллаб қувватловчи дозаси ҳисоблаб топилган;

дори воситаларининг фармацевтика бозоридаги қиёсий чакана нархлари, савдо ҳажми ҳамда таъминот ҳолати натижаларини ўзига хос томонларини мақсадга мувофиқлиги асосланган;

перорал диабетга қарши дори воситаларининг савдо ҳажми айланмаси ва ўрам миқдор кўрсаткичлари бўйича прогноз кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор таклиф ва тавсияларга асосан, иккинчи тип қандли диабет касаллигини даволашда кенг қўлланиладиган импорт ўрнини босувчи маҳаллий диабетга қарши дори воситаси тиббиёт амалиётига жорий қилинган.



МАНОВ САИД БАХРОНОВИЧ

Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистон жамоат бинолари меъморчилигида ансамбль ва комплексларнинг шаклланиши» (18.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ўрта асрлар анъанавий меъморчилигининг шаҳарлар эстетикасида ансамбль ва комплексларнинг анфиладали, тармоқланган анфилада ҳамда компакт стержен тамойили асосида шаклланганлиги асослаб берилган;

ўрта асрлар анъанавий шаҳарсозлигига хос бўлган шаҳар бош маркази, иккиламчи марказ, маҳалла марказларидаги меъморий ансамблларнинг ўзаро боғланиши аниқланган;

шаҳар панорамасини шакллантиришда оммавий турар жойларни вертикал акцентлар билан чамбарчас боғлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

замонавий меъморчиликда анъанавий ансамблсозлик усулларини модернизациялаш, майдон ва ансамбль тузишнинг экспериментал лойиҳалари ишлаб чиқилган;

мустақиллик даври меъморчилигида ўзига хос ансамбль ва комплекс тузиш усуллари вужудга келганлиги аниқланган ва уларни кенг қўллаш механизми яратилган.

ҲАСАНОВ АЗАМАТ ОЗАДОВИЧ

Архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбек миллий автомагистралда йўл бўйи сервис мажмуаларини меъморий шакллантириш» (18.00.02).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтган маршрутларида карвон тўхташ жойлари – тарихий марҳалаларнинг шаклланиши аниқланиб, Работи Малик ёдгорлиги мисолида Ўзбек миллий автомагистралли маршрутларида сақланиб қолган работ, карвонсарой, ҳазора, ёмхона, қудуқ, кориз, сардоба сингари тарихий марҳала

марказларини сақлаш ва улардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган;

ўзбек миллий автомагистралда сервис объектларини шакллантириш қонуниятларига асосланган йўл бўйи хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуаларини 50–100, 200–300 км да жойлаштириш схемалари, экспериментал лойиҳалари яратилган;

йўл бўйи инфраструктура объектларини ўзбек миллий автомагистралли бўйлаб катта шаҳарларга кириш қисмлари атрофида ва маълум масофаларда мажмуалар тарзида жойлаштириш механизми асослаб берилган;

ўзбек миллий автомагистралининг аҳоли пунктлари жойлашган қисмларида 2.5 м дан 6-7 м гача баландликдаги қуёш батареяли панеллар билан биргаликда лойиҳалаштирилган кўп функцияли ҳимоя тўсиқларини ҳосил қилиш, магистрал йўлларни чуқурликка тушириш ҳисобига сунъ-

ий тепаликлар ташкил қилиш ва бу орқали машиналар шовқинини камайтириб, йўл ҳаракати авария ҳодисаларининг олдини олиш имкониятлари ҳамда чўл ва тоғли ҳудудлардан ўтган қисмлар учун 2–2,5 м баландликда махсус панжарасимон тарздаги тўсиқлар, шунингдек чорва моллари, турли ҳайвонлар учун махсус ер ости ўтиш йўлларини ташкил қилиш натижасида ҳимоя зоналарини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбек миллий автомагистралада йўл бўйи инфраструктура объектларини шакллантиришга қаратилган сервис мажмуалари архитектуравий шаклларининг асосий мезонлари яратилган.

АБДУРАҲИМОВ ҚОДИРЖОН АБДУҲАЛИЛОВИЧ

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Докторлик диссертацияси мавзуси: «Интеллектуал фаолиятга онгсизлик компонентлари таъсири» (19.00.01).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интеллектуал фаолиятнинг яхлит, аммо субъект амалга оширадиган кўп компонентли фаолиятда ўзига хос турли даража ва шароитда жараён сифатида кечиши очиб берилган;

онгсизлик онглиликнинг муҳим компоненти сифатида интеллектуал фаолият самарадорлигини таъминлаб, уни ортиқча зўриқишлардан ҳимоялаши асосланган;

онглиликнинг мураккаб полиморф структурага эгаллиги эксплицит, равшан, эмоционал коммуникатив воситаларсиз ҳамда имплицит, субъект тушунган, ҳис қилган аммо коммуникабел шаклга айлантира олмаган даражаси мавжудлиги асосида далилланган;

семантик дифференциал матрица ёрдамида аниқланган тафаккур онгли ва онгсиз компонентларидаги муайян ўзгаришлар онгсизлик соҳасидаги индивидуал англаш жараёнининг ҳосиласи эканлиги очиб берилган;

субсенсор ва вербал айтиб туришлар натижасида онг остлиликда юзага келадиган тафаккур жараёни кечишининг топшириқ шарт ва талабларини англаш даражасида ва ҳудди шундай фикрлаш ҳаракатларини англамаган ҳолатида ҳам ўзгаришларига сабаб бўлиши синалувчиларда онгли қарор қабул қилишга асос бўлувчи англаш жараёнини фаоллаштириши исботланган.



Илмий даражаларни берувчи илмий кенгашлар раҳбарлари диққатига!

Диссертация ҳимояси ҳақида Ўзбекистон Республикаси ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш учун диссертация ҳимояга қабул қилиниб, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилот тасдиқлангандан сўнг, 5 иш куни ичида диссертация автореферати чоп этилишидан аввал қуйидаги ҳужжатлар илмий кенгаш илмий котиби томонидан Ўзбекистон Республикаси ОАКга тақдим этилади:

- а) илмий кенгаш раиси имзолаган йўлланма хат¹;
- б) илмий даража талабгори тўғрисидаги объектив-маълумотнома;
- в) диссертация илмий натижаларининг амалиётга жорий этилгани тўғрисида берилган ҳужжатларнинг нусхалари;
- г) диссертация (электрон нусхаси) ва диссертация автореферати қўлёзмаси.²
- д) қуйида келтирилган шакл асосида тайёрланган эълон матни.

Диссертация ҳимояси ҳақида ОАК веб-сайти ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Бюллетенида эълон қилиш бўйича эълон матни шакли:

I. Умумий маълумотлар.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи номи).

Диссертация мавзуси рўйхатга олинган рақам.

Илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Диссертация бажарилган муассаса номи.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса (муассасалар) номи, ИК рақами.

Расмий оппонентларнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони.

Етакчи ташкилот номи.

Диссертация йўналиши (*назарий ёки амалий аҳамиятга молик*).

II. Тадқиқотнинг мақсади.

III. Тадқиқотнинг илмий янгилиги (диссертациянинг ҳар бир илмий янгилигининг моҳияти тавсифланган ҳолда қисқа, лўнда ва тушунарли таҳрирда берилади).

IV. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши (диссертациянинг амалиётга жорий этилган ҳар бир илмий натижаси келтирилган, моҳияти тавсифланган ва қиёсий самараси кўрсатилган ҳолда баён қилинади. Унда амалиётга жорий қилинганини тасдиқловчи ҳужжатни берган ташкилот номи ва ҳужжатнинг санаси келтирилади).

ИК раиси Ф.И.Ш

ИК илмий котиби Ф.И.Ш

Илмий раҳбар (маслаҳатчи) Ф.И.Ш

Талабгор Ф.И.Ш

Сана муҳр

Изоҳ: Эълон матни 1–2-саҳифада компьютернинг Times New Roman шрифтида, 12 кегль катталиқда бир интервалда берилади.

Эълон матнининг электрон нусхаси ҳам топширилиши керак.

Эълон матни таҳририй жиҳатдан аниқ ва раван берилиши керак.

Эълонга қабул қилинган ҳужжатларнинг меъёрий-техник экспертизаси натижалари асосида эълон матни 10 иш куни ичида ОАК веб-сайтига жойлаштирилади ёки илмий кенгашлар электрон манзилларига (E-mail ёки E-xat) юборилади.

¹ Йўлланма хатда аттестация тадбирларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларнинг санаси ҳам кўрсатилган ҳолда келтирилади ҳамда хорижий мамлакатнинг тегишли муассасаси етакчи ташкилот ва таниқли мутахассис-олими расмий оппонент сифатида жалб этилганда, ушбу жараёнга тегишли барча сарф-харажатларни муайян ташкилот томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши бўйича ахборот берилади.

² ИК раиси, илмий котиби, илмий раҳбар (маслаҳатчи) ва илмий даража талабгори томонидан имзоланган ҳамда автореферат матни (ўзбек, рус ва инглиз тиллари) тегишли таҳририят томонидан таҳрирдан ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Бюллетенининг мазкур сони нашри учун масъуллар:

А. Юсупов	Н. Самигов
С. Зулунов	Л.Гафурова
Ю. Иноятова	Т. Аҳмедов
М. Саипова	У. Бегимқулов
А. Расулов	А. Маврулов
А. Саримсаков	Ф. Алиджанов
П. Усманов	Э. Бозоров
А. Ҳасанов	О.Махманов (компьютер таъминоти)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Бюллетени, 2017 йил 1-сон.

Босишга 2017 йил 28 августда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}.

Офсет усулида босилди. Босма табағи –13,1

Нашриёт-ҳисоб табағи – 12,6. Адади 1500 нусха. Буюртма № ____ .

Сотувда келишилган нарҳда.

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент, Академик Яҳё Ғуломов кўчаси,
70-уй. e-mail: info@oak.uz

босмаҳонасида чоп этилди.